

№1 (2) - 2011

ISSN 2181-032X

# **O'ZBEKISTON ARXEOLOGIIYASI**



# **АРХЕОЛОГИЯ УЗБЕКИСТАНА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ**

**ПОСВЯЩАЕТСЯ  
20-ЛЕТИЮ НЕЗАВИСИМОСТИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**DEDICATED TO THE  
20-<sup>TH</sup> ANNIVERSARY OF INDEPENDENCE  
OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN**



## ***Buyuk va muqaddassan, mustaqil Vatan!***



*Земля Узбекистана, на которой мы живем, является одним из древнейших и неповторимых очагов мировой цивилизации. Эта истина подтверждается множеством исторических и научных фактов.*

*На какой бы уголок Узбекистана мы ни обратили свой взгляд, обязательно увидим признаки первых ростков зарождения человечества в глубине тысячелетий. На каждом шагу, сталкиваясь с образцами древней культуры и искусства, убеждаемся в том, какая великая цивилизация существовала в наших краях.*

*Говоря об этом, мы имеем в виду стоянки первобытного человека в местности Селунгур Ферганской долины, Кульбулак — Ташкентской области, Узункыр — в Кашкадарье, множество других древних памятников, таких, как Афрасиаб в Самарканде, культовые сооружения зороастризма в Бухаре, уникальную книгу "Авеста", созданную на Хорезмской земле.*

*Словом, археологические находки, уникальные росписи, обнаруженные в подземных кладах, среди руин древних городищ, хранящих вековое молчание, а также степи и пустыни, еще полные нераскрытых тайн, безусловно, подтверждают тот факт, что на нашей земле издревле развивались великая культура и искусство.*

*В этом смысле никто сегодня не может отрицать огромный вклад наших предков в развитие всего человечества и мировой цивилизации. Доказательством тому служат сотни уникальных находок, памятники и предметы старины.*

**Ислам Каримов**  
**Президент Республики Узбекистан**

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI  
Y. G'ULOMOV NOMIDAGI ARXELOGIYA INSTITUTI  
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ИНСТИТУТ АРХЕОЛОГИИ ИМЕНИ Я. ГУЛЯМОВА

# О'ЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИ



## АРХЕОЛОГИЯ УЗБЕКИСТАНА

**№ 1 (2)**

Самарқанд - 2011



## O'ZBEKISTON ARXEOLIGIYASI - ARXEOLIGIYA UZBEKISTANA

### *Главный редактор*

*Темур Ширинович Ширинов*

### *Заместитель главного редактора*

*Амриддин Эргашевич Бердимуратов*

### *Ответственный секретарь*

*Мухтор Хасанович Пардаев*

### **Редакционная коллегия:**

|                         |                       |
|-------------------------|-----------------------|
| к.и.н. Р. Абдиримов     | к.и.н. К. Абдуллаев   |
| проф. Н.А. Аванесова    | к.и.н. Ш.Т. Адьлов    |
| к.и.н. А.А. Анарбаев    | к.и.н. Т.Дж. Аннаев   |
| к.и.н. С.Р. Баратов     | к.и.н. Г.И. Богомолов |
| д.и.н. М.Х. Исамиддинов | к.и.н. Ф.А. Максудов  |
| д.и.н. Б.Х. Матбабаев   | к.и.н. А.А. Раимкулов |
| к.и.н. У.В. Рахманов    | к.х.н. М.А. Реутова   |
| к.и.н. В.Д. Рузанов     | к.и.н. К. Сабиров     |
| к.и.н. Б.К. Сайфуллаев  | к.и.н. С.С. Суюнов    |
| к.и.н. Н.У. Холматов    | к.и.н. М. Хужаназаров |

### **Редакционный совет:**

акад. АН РУз А.А. Аскарлов  
акад. АН РУз Ю.Ф. Буряков  
проф. Ф. Грене (Франция)  
акад. РАН А.П. Деревянко (Россия)  
проф. М.Дж. Джуракулов  
акад. АН РУз У.И. Исламов  
д.и.н. М.Ш. Кдырниязов  
акад. АН РУз А.Р. Мухамеджанов  
проф. К. Рапен (Швейцария)  
акад. АН РУз Э.В. Ртвеладзе  
д.и.н. А.С. Сагдуллаев  
доктор С. Страйд (Англия)  
д.и.н. Р.Х. Сулейманов  
проф. У. Такао (Япония)  
д.и.н. Т.К. Ходжайов (Россия)  
к.и.н. Г. Ходжаниязов  
проф. К. Шимчак (Польша)  
д.и.н. В.Н. Ягодин

## ARCHAEOLOGY OF UZBEKISTAN

### *Editor-in-chief*

*Temur Shirinovich Shirinov*

### *Deputy Editor*

*Amriddin Ergashovich Berdimuradov*

### *Secretary*

*Muhtor Hasanovich Pardayev*

### **Editorial Board:**

|                        |                     |
|------------------------|---------------------|
| Dr. R. Abdirimov       | Dr. K. Abdullaev    |
| Prof. N.A. Avanesova   | Dr. Sh.T. Adylov    |
| Dr. A.A. Anarbaev      | Dr. T.J. Annaev     |
| Dr. S.R. Baratov       | Dr. G.I. Bogomolov  |
| Prof. M.H. Isamiddinov | Dr. F.A. Maksudov   |
| Prof. B.H. Matbabaev   | Dr. A.A. Raimkulov  |
| Dr. U.V. Rahmanov      | Dr. M.A. Reutova    |
| Dr. V.D. Ruzanov       | Dr. K. Sabirov      |
| Dr. B.K. Sayfullaev    | Dr. S.S. Suyunov    |
| Dr. N.U. Holmatov      | Dr. M. Hudjanazarov |

### **Editorial Council:**

Academician A.A. Askarov  
Academician Yu.F. Buryakov  
Prof. F. Grenet (France)  
Academician A.P. Derevyanko (Russia)  
Prof. M.D. M.D. Djurakulov  
Academician U.I. Islamov  
Prof. M-Sh. Kdymiyazov  
Academician A.R. Muhammedjanov  
Prof. C. Rapen (Switzerland)  
Academician E.V. Rtveldadze  
Prof. A.S. Sagdullaev  
Dr. S. Stride (UK)  
Prof. R.H. Suleymanov  
Prof. U. Takao (Japan)  
Prof. T.K. Hodjayov (Russia)  
Dr. G. Hodjaniyazov  
Prof. K. Shimchak (Poland)  
Prof. V.N. Yagodin

## МАҚОЛАЛАР

### ПУБЛИКАЦИИ

#### САМАРҚАНД ВОҲАСИНИНГ ИБТИДОЙ МАДАНИЯТ ТАРИХИ САҲИФАСИ

© 2011. М.Ж. Жўрақулов

*Самарқанд давлат университети*

Мамлакатимизнинг азалдан муҳим таркибий сарҳадларини ташкил қилувчи За-  
рафшон ҳавзаси худудида аجدодларимизнинг бир неча минг йилликларга тенг, бой  
тарихи мавжуд. Асрлар оша илм-фан ва маърифат маркази бўлиб, жаҳон узра мада-  
ният дурдоналарини тарқатиб келган йирик марказий шаҳарлар шаклланган. Шулар-  
дан бири Самарқанд шаҳридир.

Самарқанд инсоният цивилизациясининг қадимий шаҳри ва марказларидан бири  
бўлиб, жаҳон маданияти, санъати ва фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган  
шаҳарлардан биридир. Бу хусусият жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан ҳам  
алоҳида қайд қилинган. Самарқанд ўзининг қарийб уч минг йиллик тарихи жараёни-  
да ўз бошидан не-не ларзали тарихий силсилаларни кечирмади дейсиз, аммо  
бешафқат даврнинг шиддатли синовларидан омон қолиб, аجدодларимизнинг узокни  
кўзлаб яратган, интеллектуал меросини, фан ва маданиятимизнинг юксак ибратли  
фазилатларини авлодларга авайлаб етказиб келиш давомида ҳам хизмати буюк ва  
машхур шаҳардир (Исамиддинов, 2002).

Самарқанд тарихи ҳақида турли даврларда турлича қарашларни ўзида мужассам-  
лаштирган ўнлаб асарлар яратилган. Бу асарларда асосан шаҳар тарихи, қадимги ва  
ўрта асрлар даврларига бағишланган бўлиб, унинг энг қадимги, яъни ибтидоий мада-  
ният тарихи ҳақида тўлароқ, мукамал асар эса ҳамон яратилган эмас. Тўғри, бу бо-  
рада ҳам айрим уринишлар бўлган. Масалан, А. Асқаров ва Д. Левлар томонларидан  
«Самарқанд территориясида одамзот ҳаётининг энг қадимги излари» мақоласида  
ўтган асрнинг 70-йилларигача бўлган даврдаги маълумотлар қисқача ёритилган  
(Асқаров, Лев, 1971. С. 21-29).

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳри худудида ва унинг атроф музофотларида  
ўрганилган айрим ёдгорликлар ҳақида ҳам бир неча монографиялар ва илмий  
мақолалар нашр қилинган (Джурақулов, 1987; Холматов, 1991; Сулейманов, Тош-  
кенбоев, 1980). Лекин Самарқанднинг ибтидоий давр тарихи, унинг ўзига хос ривож-  
ланиш тарихи ҳақида ҳамон яхлит бир асар яратилганича йўқ. «Самарқанд тарихи»  
китобининг нашр қилинганига ҳам 40 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Кейинги даврларда  
шаҳарнинг ибтидоий маданият тарихини мукамал, атрофлича таърифлаб берадиган  
янги ёдгорликлар кашф қилинди. Самарқанднинг энг қадимги даврларига доир ил-  
мий ишларни ҳамда сўнгги йилларда йиғилган манбаларни янги ёндашув асосида  
яхлит бир асар сифатида яратиш давр талабидир. Ушбу мақолада айнан шу муаммо-  
ларни қисқача ёритиш назарда тутилган.

Самарқанд шаҳри худудида ва унинг теварак-атрофи музофотларида одамзод жу-  
да қадимдан, яъни палеолит (қадимги тош асри) давридан яшаб келганлигини

тадқиқотлар тўлиқ исботлаган. Зарафшон ҳавзаси, айниқса, унинг бевосита Самарқанд шаҳри билан боғлиқ ўрта оқими минтақаси ўзининг жўғрофик жойлашиши, табиий иқлими ва экологик шароитининг муътадиллиги билан қадимги жамоалар эътиборини азалдан жалб қилиб келган.

Самарқанднинг илк тарихидан гувоҳлик берувчи маълумотлар, аслида XIX асрнинг 80-йилларига бориб тақалади. Жумладан, 1881 йилда Афросиёб (Самарқанд) нинг шарқий қисмидан Самарқанд – Тошкент йўлини қуриш вақтида геолог ва ёзувчи Д.Л. Ивановнинг палеолит даври чакмоқтош ўзагини, Н.И. Веселовский эса шу атрофдан вулкон (обсидиан) тошидан ишланган палеолит қирғиччасини топган эди (Джуракулов, 2000. С.10). Шунингдек, Даҳбет ва аввалги Войкова кўчасидан ҳам тош қуроллар топилган бўлиб, бу топилмалар Самарқанд палеолит макони ашёларини эслатарди (Асқаров, Лев, 1971. С. 23). Бу каби археологик топилмалар якка-ягона тарзда бўлса-да, Туркистон ҳаваскор археологлари тўғараги (ТХАТ) аъзоларини ҳам қизиқтирган. Улар ибтидоий давр тарихи ҳақида маълумотлар тўплаш ва уларни ўрганишга, илмий мулоҳазалар юритишга интиланлар. Бироқ археолог мутахассисларнинг йўқлиги, чор ҳукумати илмнинг бу соҳаларини қўллаб-қувватламагани учун бу борадаги мулоҳаза ва тафсилотлар тўлиқ ва асосли ўрганилмади. Шундай бўлса-да, турли миллат мутахассислардан таркиб топган – Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги аъзолари Ўрта Осиё археологиясини ўрганиш борасида қимматли маълумотлар қолдирганлигини алоҳида қайд этмоқ зарур. Археология фанининг бошланғич илк илдизлари XIX асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади, десак хато бўлмайди (Шишкин, 1969. С. 112-113). Бундан ташқари, ўтган асрнинг 70-йилларида ўтказилган тадқиқотлар туфайли Самарқанднинг кўҳна макони бўлган Афросиёб шаҳарчаси ҳудудининг бир неча жойларидан тош асри ашёлари топилган. Бу эса ўз вақтида ТХАТ аъзолари бу музофотга алоҳида эътибор берганлиги беҳуда эмаслигидан далолат беради. Самарқанднинг кўҳна – жой макони бўлган Афросиёб шаҳарчаси ҳудудининг бир неча жойларидан тош асри ашёлари топилган (Ташкенбоев, 1974. С. 3). Хуллас, Самарқанд шаҳри вужудга келгунгача, яъни урбаник даврга қадар ҳам бу атрофда ибтидоий одамларнинг яшаб келганлигидан гувоҳлик берувчи археологик манбалар изланишлар натижасида топилди ва ҳамон топилмоқда.

Жумладан, 1930 йили Самарқанд жанубидан ўтадиган Дарғом канали қирғоқларидан Б.М. Кастальскийнинг микролит қуролларини топганлигини ва кейинчалик уларни Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитажига топширганлиги (Массон, 1939. С. 111), 1939 йили Сиёбча сойининг ўнг қирғоғида Самарқанд палеолит макони, ундан сал пастроқда ва шу атрофдаги аввалги Овражная кўчаси бўйлаб, 1940 йили ўрта палеолит даврига доир иккита қўл чопқиси топилмалари (Григорьев, 1940. С.89-90), шу йили эса Н.Г. Харламов аввалги Иванова парки ҳудудида, Сиёбча ариғининг ўнг қирғоғида кичик қазишмалар ўтказиши натижасида, палеолит даври меҳнат қуроллари қайд этилган эди (Самарқанд Давлат музейи архиви. Ҳисобот. №297, коллекция №А17). Ўша йил кузида бу маконда М.В. Воеводский ва В.В. Шумовлар ҳам қазишмалар ўтказиб, йирик ҳайон суяклари, асосан, ёввойи от суяклари билан айлантириб олинган гулхан қолдиғи ва бир неча меҳнат қуроллари, тош учириндилари топишиб, бу ерда палеолит кишиларининг катта макони мавжудлигини аниқлашган эди (Воеводский, 1942. №2; Шишкин, 1969. С. 112-113). Аслида бу жой 1917 йилги инқилобга қадар «Иванов парки» деб аталиб, кейинчалик «Динамо», «Комсомол кўли» номлари билан Самарқанд тарихига кирган (Шишкин, 1969. С.117). Афсуски, иккинчи жаҳон уруши туфайли И.А. Сухарев, Г.В. Григорьев, П.В.

Лифиренко каби ташаббускор олимлар жангда ҳалок бўлдилар ва Самарқанд маконининг ўрганилиш ишлари 1958 йилга қадар тўхтаб қолди. Фақат 1958 йили ЎзФА тарих ва археология институтининг, хусусан, В.А. Шишкиннинг ва Я.Ғ. Ғуломовнинг астойдил қўллаб-қувватлаши натижасида, Самарқанд давлат университети доценти, археолог Д.Н. Лев раҳбарлигида бу ёдгорликларни ўрганиш бўйича кенг қўламдаги режали тадқиқот ишлари бошланди ва қизиқарли илмий натижаларга эришилди (Лев, 1964. С. 5-109). Шундай қилиб, Самарқанд тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган кўп маданий қатламли ёдгорлик кашф қилинди. Бу кашфиётлар ва топилмалар ҳақида кейинги сатрларда хронологик навбат билан алоҳида сўз юритамиз.

1963 йили Дахбет кўчасида янги бино қурилиши давомида ўрта палеолит меҳнат қуруллари, 1969 йили Регистон майдонидаги музей қурилиш ишлари давомида топилган тош қуруллар ҳамда 1969-1970 йилларда Афросиёбнинг шимолий қисмида бажарилган тадқиқот ишлари давомида тош асрининг турли даврига доир ашёлар, Дарғом канали бўйлаб 1960 йилда О. Обельченко ва 1985 йилда Б. Ботиров томонидан ўтказилган дала кузатув ишлари вақтида, шунингдек, бошқа тадқиқотчиларнинг йиққан топилмалари ҳам Самарқанд ва у билан боғлиқ атроф ҳудудларда одамзот жамоалари ўрта палеолит (100-40 минг йиллар бундан аввал) давридан эътиборан яшаб, маданият яратиб келганлигидан гувоҳлик берувчи дастлабки манбалар сифатида эътироф этилган эди (Джуракулов, 2000. С. 11).

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, Самарқанднинг Афросиёб номи билан аталиб келинган кўҳна тарихи билан қизиқиш ва уни қисман бўлса-да, археологик ўрганиш ишлари XIX асрнинг 70-йилларида бошланган бўлиб, бу ҳаракатлар замон зайлига хос ҳолатда, даврий равишда ўтказилган эди. Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидан топилган ёдгорликларни ҳам том маънода ўрганиш йўлга қўйилган эмас эди. Оқибатда шаҳар тарихининг асл моҳияти эса илмий жиҳатдан асосли ёритилмасди. Бугунги кунга келиб, Ватанамиз тарихини ҳаққоний, одилона, илмий асосда ўрганиш мустақиллик туфайлигина юзага чиқди. Бу борада олимларимиз катта илмий тадқиқот ишлари бажаришди, натижада Самарқанд шаҳрининг ёши 2750 йилдан зиёд ва бу шаҳар жаҳон цивилизациясининг кўҳна марказларидан бири эканлиги асослаб берилди.

Бинобарин, Самарқанд ва унинг билан боғлиқ музофот урбаник давргача бўлган кўҳна тарих ҳақида маълумот берувчи ва юқорида зикр этилган археологик топилмалар ибтидоий давр маданият изларидан гувоҳлик берувчи дастлабки маълумотлар ҳисоблансада, келажакда бу атрофда кенг қўламда режали тадқиқот ишларини йўлга қўйишни тақозо қиларди. Бу каби мақсадли тадқиқот ишлари 1944 йилдан бошланиб, Самарқанд давлат университети олимлари, хусусан, археолог Д.Н. Лев унга ташаббускор бўлган эди. Уни қийинчилик йилларда И.М. Мўминов, А.В. Шишкин, кейинчалик Я.Ғ. Ғуломов, М. Аминов сингари раҳбар олимлар қўллаб-қувватлаганлиги туфайли Д.Н. Лев Самарқанд атрофида кенг қўламда археологик дала тадқиқот ишларини бошлаб, муҳим натижаларга эришди. Д.Н. Лев археологик тадқиқот ишларни университет тарихчи талабалари дала амалиёти билан боғлиқ ҳолда олиб борган бўлсада, бу иш яхши самара берди. Д.Н. Лев раҳбарлигидаги СамДУ археологик гуруҳи дастлаб ишни Самарқанд атрофи билан боғлиқ музофотларни текширишдан бошлади. Натижада, 1947 йили март ойида тарихчи талабалар иштирокида Ургут тоғининг Тахтақорача довомидаги Омонқўтон қишлоғи яқинида жойлашган иккита ғорни текшириб, уларда ўрта палеолит (100-40 минг йиллар аввал) даврида инсон гуруҳлари яшаганлигини аниқлади. Уларнинг бири – Омонқўтон, иккинчиси – Така-

лисой номлари билан тарихга кирди. Бу топилмалар Сурхондарё воҳасидаги Тешиктошдан кейинги галдаги муҳим кашфиётлардан бири бўлиб, фанда ўз вақтида катта шов-шувларга сазовор бўлган бу илмий янгиликлар Ватанимиз худуди кенг сарҳадларида жуда қадимги даврлардан бошлаб инсон жамоалари яшаб, ўз даврига хос ва монанд маданият яратиб келганлигидан гувоҳлик берарди. Давид Натанович Лев (1905-1969) Санкт-Петербург археология мактабининг йирик намоёндаларидан бири, атоқли олим В.А. Городцовнинг шогирди эди. Уни 1944 йили музей илмий ходими сифатида фаолият юритиб юрган бир вақтда Мусо Мўминов университетга ишга таклиф қилган. У эса ўзининг бутун илмий, педагогик, тарбиявий фаолияти билан бу ишончли тўла оқлади ва ибтидоий маданиятимиз тарихини кунт билан ўрганиш борасида катта илмий кашфиётларни юзага чиқарди. У университетимиз шаънига ифтихор келтирган илму фан ва таълимнинг жонкуяри сифатида фаолият юритди. Шу боисдан ҳам уни Я.Ғ. Ғуломов, И.М. Мўминов, В.А. Шишкинлар доим ҳурмат қилар, қўллаб-қувватлаб турарди.

Омонқўтон палеолит даври ғорининг очилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ғор коридорсифат бўлиб, узунлиги 29,5 метр ва одам бемалол юрса бўладиган макон. Ёдгорлик 10 йил давомида (1947-1957) Д.Н.Лев раҳбарлигидаги СамДУ археологик гуруҳи томонидан қазиб ўрганилди. Қазилма ишлари давомида ҳар йили тарих факультети талабалари иштироки таъминланди. Тадқиқот давомида 120 га яқин ашёлар топилиб, бу коллекцияда турли тош буюмлар, жумладан, найза тиглари, қирғичлар, тишли парахалар, ўзақлар, ишлов берилган учирмалар ва бошқа меҳнат қуроллари тақдим қилинган (Лев, 1949. С.105-119). Шунингдек, ўша давр одамларига замондош бўлган бой ҳайвонот дунёси қолдиқлари топилган бўлиб, бу манбалар нафақат неандертал жамоалари турмуши, шунингдек, тўртламчи давр табиати, иқлими, ўсимлик дунёси, экологияси каби масалаларни ойдинлаштиришда ҳам муҳим манба ҳисобланади. Омонқўтон одамлари сайёҳ овчилик ва термачилик билан тирикчилик қилишган. Ғорда тахминан 10-15 кишидан иборат бўлган бир гуруҳ овчилар яшаган. Ғордан сайёҳ овчилар ўзларининг бу музофотдаги асосий кўнимгоҳ лагери сифатида фойдаланишган. Дарҳақиқат, П.П. Ефименко ўрта палеолит даврида «у ёки бу тарзда сайёҳ овчиларнинг муайян тарзда кўним яшашга ўтиши сезила бошланди», деган хулосасини берган эди (Ефименко, 1953. С. 239).

Демак, макондан топилган гулхан қолдиғи, ўчоқ ва бой қазилма ҳайвон суяқларининг топилиши бу гуруҳ жамоаларининг муайян даражада бу ерларда доимий яшганлигидан далолат беради. Омонқўтонликлар, асосан, тоғ қўйи (муфлон), айиқ, ибтидоий бука, морал (буғу) сингари жониворларни ов қилганлар (Бибиқов, 1958. №3). Ўрта палеолит даврида овчиликнинг ихтисослашуви вужудга келади. Бу ҳодисани омонқўтонлик ибтидоий кишилар турмушида ҳам кузатиш мумкин эди. Масалан, бу макон эгалари асосан тоғ қўйи (архар)ни ов қилганлар (Лев, 1960. С. 16-20). Омонқўтонлик сайёҳ овчилар кўшни музофотларда яшаган гуруҳлар билан муайян ўзаро маданий алоқалар ўрнатганилигини кузатиш мумкин. Масалан, бу макондан топилган меҳнат қуролларининг ясалиши техник-технологияси кўпроқ Зарафшон воҳасининг Қўтирбулоқ, Зирабулоқ маконлари ашёларига ўхшашлиги кузатишган (Ташкенбоев, Сулейманов, 1980. С. 68). Бундан ташқари, Омонқўтон тош индустриясини Д.Н. Лев Тешиктош, Амир Темур ғор маконларига яқинлигини эътироф қилади (Лев, 1960. С.17). Макон ўрта палеолит даврининг ривожланган босқичига доирлиги олимлар томонидан тан олинган (Ранов, Несмянов, 1973. С. 87).



Такалिसой ғори 1952 йили Д.Н. Лев томонидан кашф этилган ва ўрганилган. Бу ғор макони ҳам Омонқўтон ғорига яқин ерда жойлашган (Лев, 1953. С. 105-106). Макон ўрта палеолит даврининг сўнгги босқичи бўлиб саналанган. Макондан ўзақлар, ишлов берилган пичоқсимон парақалар, хар хил шакл-шамойилдаги учриндилар топилган. Ўчоқ, гулхан аломатларининг кузатилмаганлигига ва инвентарларнинг камчилигига қараганда, бу ғор сайёҳ овчиларнинг мавсумий қароргоҳи бўлган бўлиши мумкин, деган тахминий қарашларни шакллантирган. Тадқиқотчи Д.Н. Левнинг фикрига қараганда, бу ердан топилган тош ашёлар Тешиктош доирасига кирувчи ёдгорликларга хос (Лев, 1967. С.107). Қўтирбулоқ маконини текширган Тошкенбоев Н.Х. бу макон манбаларининг Қўтирбулоқ ўрта палеолит даври ёдгорлигига яқин ўхшашлиги ҳақида фикр юритади (Ташкенбоев, Сулейманов, 1980. С. 69).

Шундай типдаги маконлардан яна бири Гўрдара, Зарафшон тизма тоғининг шимол-шарқий қиясидаги баландликда жойлашган бўлиб, ёдгорлик 1966 йили А. Аскарлов ва Н. Тошкенбоевлар томонидан очилган ва қисман ўрганилган. Топилма тош инвентар таркибида ўзақлар, ишлов берилган парақа ва турли шаклдаги учриндилар мавжуд. Бу макон айни вақтда тўлиқ ўрганилган эмас. Топилмалар Н. Тошкенбоевнинг хулосасига кўра, ўрта палеолит даврига оид, деган тушунчани илгари суришга асос бўлган (Ташкенбоев, Сулейманов, 1980. С. 66).

Кенг қидирув археологик ишлар туфайли нафақат тоғ массивлари, шунингдек, чашма, дарё соҳилларида, очик жойларда яшаган ўрта палеолит маконлари ҳам топиб ўрганилган. Шулардан, навбатдагиси, ўрта Зарафшон воҳасида жойлашган Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ маконлари қизиқарли манбалар берганлигини алоҳида қайд этмоқ зарур. Шу нарса маълум бўлдики, ўрта палеолит даврида яшаган сайёҳ овчилар ўзлари учун маъқул экологик бурчакларни излаб топишга интилганлар. Улар бундай жойларда ўзларига оддий, чайласифат капалар куриб яшашган бўлишлари ҳам мумкин. Шундай маконлардан бири Қўтирбулоқ ҳисобланади. Маконнинг кўп қатламлиги, бу ерда овчилар гуруҳи муайян даврда мўқим яшаганлигидан далолат беради.

Қўтирбулоқ Чархин қишлоғига яқин жойда, қадимги чашма атрофида жойлашган бўлиб, у 1971-1972 йилларда ўрганилган (Ташкенбоев, 1973. С. 28). Макон 5-та маданий қатламдан иборат. Аслида бу қароргоҳ ЎзФА археология институтининг Ю.Ф. Буряков раҳбарлигидаги Ўрта Зарафшон экспедицияси томонидан 1971 йилда кашф қилинган, кейинчалик уни Н.Х. Тошкенбоев ўрганишга киришган. Қазимша ишлари давомида тошдан ясалган кўплаб хилма-хил меҳнат қуроллари қўлга киритилган бўлиб, топилмалар ўрта палеолит даврига оидлиги исботланди. Шунингдек, макондан бу ерда яшаган неандертал жамоаларининг ов объектлари бўлган фил, от, бука, қулон, бухоро буғуси ва бошқа ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари, гулхан ва ўчоқ излари топилди. Макон манбаларининг тадқиқоти шуни кўрсатдики, юқори қатламдан топилган тош индустрияда пастки қатламга қараганда муайян такомиллашиш сари ўзига хос тарзда ривожланиб бориш ҳамда ўзгариш бор. Бу манзара маконда инсон жамоалари узоқ давр мобайнида яшаганлигидан, ўз тирикчилик қуролларини доим такомиллаштириб борганлигидан далолат беради. Инсон жамоалари узоқ яшаган маконларда, одатда, ярим ертўла, чайласифат қапа қурилмалари бўлиши мумкин. Бирок Қўтирбулоқда бу ҳодиса излари айнан кузатилмаса-да, бу ердан топилган гулхан ва ўчоқ қолдиқларининг далолат беришича, маконда узоқ вақтлар ҳаёт бўлганлиги, улар эса ўз капаларига эга бўлганлиги, макон эса овчиларнинг таянч лагери бўлганлигидан дарак беради. Бу эса тўлиқ илмий асослашни талаб этади.

Макондан топилган литологик манбалар 10 минг нусхадан зиёдроқ коллекцияни ташкил қилади. Бу қурол яшаш учун зарур хом ашёни шу атрофда жойлашган чакмоқтош конидан олинган, деган тахминий фикрни юзага чиқаради. Барча топилмалар, асосан чашма атрофидан йиғилган. Демак, бу ердаги чашма илк палеолит даврида ҳам мавжуд бўлиб, айни кунларга қадар ҳам одамзод қадами бу ердан узилмаган (Ташкенбоев, Сулейманов, 1980. С.18-20).

Ўрта палеолит даври жамоалари тошдан турли қуроллар ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириб олганлар. Масалан, тош қирғичлардан ҳайвон терисини қайта ишлашда фойдаланадиган ҳамда ёғочга ишлов берадиган рандасифат қуроллар яшашган. Шунингдек, улар ҳар хил тешгич, кесувчи қуролларни, қўл чопқиларини, найза тиғларини устамонлик билан яшашни билишган (Шилинский, 1975. С.33). Тадқиқотчи Н. Тошкенбоев Қўтирбулоқ макони маданий қатламлари билан боғлиқ манбаларни ўрганиш асосида меҳнат қуролларининг доимий такомиллашиб бориши ва уларни пешма-пеш тараққиёт эволюциясини кузатди. Бу манзара макон эгаларининг содда қуроллардан ихчам, турмушбопларини ишлаб чиқариш жараёнини англатар эди. Шунингдек, олимлар Қўтирбулоқ ибтидоий кишилари яратган меҳнат қуролларида фойдаланилган техник-технологик услуб Тешиктош, Омонқўтон, Обираҳмат, Зирабулоқ ўрта палеолит даври жамоалариникига ўхшашлигини эътироф қилишади (Ташкенбоев, Сулейманов, 1980. С. 20-61). Бу каби таҳлил ва тафсилот бизнинг назаримизда ҳам илмий асосга эга.

Хуллас, Қўтирбулоқ маконининг ўрганилиши юртимиз ибтидоий кишилари маданияти тарихини тадқиқ қилишда алоҳида ўрин тутади. Қурол ишлаб чиқариш технологияси маданиятига кўра, Қўтирбулоқ макони ўрта палеолит даврининг ривожланган босқичига мансубдир.

Ўрта Зарафшон ҳавзасида ўрганилган ўрта палеолит даври ёдгорликларидан яна бири Зирабулоқ макони бўлиб, у Қўтирбулоқ маконидан 1 км шарқроқда, шу ном билан юритиладиган Зирабулоқ чашмаси атрофида жойлашган. Ёдгорлик 1971 йилда очилган ва кейинчалик, бу маконда дастлаб Н. Тошкенбоев, 1977-1978 йилларда Самарқанд давлат университети археологлари қизиқарли текширув ишлари олиб бордилар ва натижада, бой археологик манбалар тўпланди (Жўрақулов, 1982. 4-20 б.). Қазиишмалар давомида шу нарса маълум бўлдики, маконнинг бир қисми қишлоқ хўжалик мақсадида ўзлаштирилганлиги туфайли зарар кўрган, аммо айрим жойларида бирламчи қатламлар сақланган (Ташкенбоев, Сулейманов, 1980. С. 61-66). Маданий қатламлар билан боғлиқ тупроқ қалинлиги айрим участкаларда 1 метрдан 1,5 метргача етади. Қазиишмалар давомида 1000 дан зиёд тош буюмлар қўлга киритилган бўлиб, бу коллекция таркибида ҳар хил ҳажмдаги ўзаклар, қирғичлар, найза тиғлари, пичоксимон парақалар, рандалар, пичоксимон қуролларни учратиш мумкин. Меҳнат қуролларининг ясалиш техник-технологик хусусиятларига қараганда, бу макон ўрта палеолит даврининг ривожланган босқичида вужудга келган. Бу манзара ўрта Зарафшон ўрта палеолит даври маданиятининг узлуксиз, доимий ривожланишда бўлганлигидан далолат берувчи омилдир. Зирабулоқ макони манбалари илк маданият тарихимизни ўрганишда муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Самарқанд атрофи музофотларида ўрганилган Омонқўтон, Гўрдара, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ макону манзилгоҳларининг ўрганилиши, ўрта палеолит даврида бу ҳудуд ибтидоий неандертал жамоалари томонидан тиғиз ўзлаштирилганлиги, шунингдек, бу жамоалар маданияти прогрессив йўналишда бўлиб, кўни-кўшни жамоаларининг турмуш тарзига ҳам ижобий таъсирини кўрсатган, албатта. Бу манзара

Зарафшон воҳаси ўрта палеолит даври маданиятининг муҳим хусусиятларидан эди (Жўрақулов, 1984. 56-60 б.).

Хуллас, Ўрта Зарафшон воҳасида ўрта палеолит даври маданияти автохтон, яъни туб жойли негизда вужудга келиб, ўз даврига нисбатан юксак бўлган ва ана шу маданият тараққиёти негизда эса бу минтақада сўнгги палеолит маданияти шаклланган ва ривожланган (Жўрақулов, 2000. 20-21 б.). Бу даврга тегишли ёдгорликлардан Самарқанд, Сиёбча ва Хўжамазгил маконлари ҳақида фикр юритамиз.

Самарқанд сўнгги палеолит макони илк уруғчилик жамоасига мансуб бўлиб, макон 1958-1973 йилларда тўла қазиб ўрганилди. Бу ерда иш олиб борган археологик гуруҳга 1969 йилга қадар Д.Н. Лев, сўнг эса ушбу сатрлар муаллифи раҳбарлик қилди. Қазилмалар давомида маконнинг бирин-кетин ташкил топган ва ривожланган уч маданий қатламдан иборат эканлиги маълум бўлди. Маданий қатламлар сарғиш соғ тупроқда жойлашган бўлиб, у геологик жиҳатдан Мирзачўл цикли деб аталган даврнинг иккинчи ярмига тўғри келади (Ранов, Несмянов, 1973. С. 44). Умуман олганда, макондан 8 мингдан кўпроқ тош буюмлари топилди. Бу катта коллекция таркибида ибтидоий одамлар ясаган хилма-хил қурол-аслаҳалар, жумладан, қўл болталар, қирғич ва рандалар, найза учлари, пичоқсимон қуроллар, ушатгичлар, сандонлар, кескич асбоблар, понасимон қуроллар, ишлов берилган турли шакл ва шамойилдаги учриндилар, ўзаклар сингари буюмлар тақдим қилинган. Чақмоқтош ва диаритдан ясалган турли ҳажмдаги сандонлар, айникса, диққатга сазовордир. Булардан тош қуролларни керттиш, уларга кескир тиғлар чиқаришда фойдаланилган. Ясаиб тугалланмаган қуроллар – ярим фабрикатлар, шунингдек, кўпгина тош парчалари ҳам топилди. Чақмоқтош учирмаси – чиқиндиларнинг сон-саноксиз кўпчилигига қараганда маконда тошдан қуроллар ясайдиган устахона бўлган (Лев, 1964. С. 33-36). Қуроллар ичида ҳайвон терисини шилиш учун қўлланган қирғичлар, суякдан ясаладиган буюмларни ишлаш учун мўлжалланган кескичлар диққатга сазовордир. Қуроллар орасида четлари ботиқ тиғли парақалар алоҳида ажралиб туради. Қадимги одамлар бу ускуналар ёрдамида ёғоч буюмларни рандалаганлар. Самарқанд макони уч маданий қатламдан иборат бўлиб, айникса, пастки иккала қатламдан топилган ашёлар муайян тарзда қадимийроқ ва юқори қатлам манбалари эса бир мунча такомиллашган кўринади. Бу манзара маконнинг узок вақтлар овчи жамоаларнинг муайян кўнимгоҳ жойи – таянч лагери бўлганлигидан, манбалар эса пешма-пеш тараққиёт эволюциясидан гувоҳлик беради. Сўнгги 3-4 йил давомида Самарқанд маконининг тош индустрияси трасологик технология анализидан ўтказилди. Бу изланишлар шуни кўрсатдики, биз авваллари меҳнат воситалари ишлаб чиқариш чиқиндиси деб билган учринди ва бошқа тош синиқларининг аксарияти турмуш юмушларида ишлатилганлиги, шунингдек, қуроллар таркибининг ҳам анча кўплигидан далолат беради. Биз авваллари «чиқинди» деб билган тош парчаларининг 87% дан кўпроғи меҳнат қуроллари бўлиб чиқди (Коробкова, Джурақулов, 2000. С. 434-450). Қуроллар асосан юқори сифатли чақмоқтошдан, халцедондан ва бошқа қаттиқ тош жинсларидан тайёрланган. Тош қуроллар учун хом ашё макондан тахминан 8 км чамаси шимолроқда жойлашган Чўпонота массивидан келтирилган. Маконда чақмоқтошли сланец хом ашёсидан ясалган қуроллар ҳам учрайди. Бундай «хом ашё» Улуғбек расадхонаси яқинида янада кўпроқ учрайди (Аскарлов, Лев, 1971. С. 22-23).

Археологик қазилмалар давомида қадимги ҳайвон ва ўсимлик қолдиқлари, гулхан излари, табиий бўёқ (оҳра) қолдиқлари топилди. Меҳнат қуролларининг пастки икки қатламидан топилган нусхалари ўрта палеолит даврига ўхшашлиги кузатилади. Шу-



нинг учун ҳам Д.Н. Лев бу маконни сўнгги палеолитнинг бошланғич тараққиёт босқичига мансуб деб хулоса чиқарган эди. Меҳнат қуроллари орасида тош учриндиларидан ишланган понасимон қуроллар ўзига хос қизиқарли бўлиб, бу ҳолат Зарафшон воҳаси палеолит ёдгорликларида фақат Самарқанд макони жамоаларига хосдир (Лев, 1967. С. 30).

Макон индустриясида қайроқтошлардан ясалган, одатда тиглари икки-уч йирик кертис усули билан ўткирланган тош болталар қизиқарлидир. Бундай қуроллар археологияда чоппер ва чоппинг деб ҳам аталади. Шундай қадимги қуроллардан бўлган болталардан бирининг узунлиги 16 см бўлиб, у қурол ясаладиган «устахона» дан топилган.

Самарқанд маконида қазилма қазилган вақтда ёввойи ҳайвонларнинг кўплаб суяклари топилиб, улар синдирилган ва оловда куйдирилган. Аниқса, зоти жиҳатидан Прежевалский отларига яқин бўлган қадимий отларнинг суяклари кўплаб топилган. Бу манзара овчиликнинг муайян жониворларга ихтисослашганлигидан далолат беради. Тўртламчи даврга мансуб ёввойи туя, буғу суяклари, ҳайвон, шохлари, шунингдек, Эрон билан Афғонистонга чегарадош Қорақумнинг Бадхиз қўриғида ҳозир ҳам учраб турадиган плейстоцен даври ёввойи эшагининг суяклари қайд этилган. Маконда ибтидоий одамларнинг чайласимон капаларининг излари ҳам учрайди. Авваллари қоя ости, ғорлар ва унгулардан ибтидоий овчилар бошпана сифатида фойдаланган бўлсалар, сўнгги палеолит даврига келиб, улар «ғордан чиқиб», ўзлари учун тураржой қура бошлайдилар. Бу ҳодиса сайёҳликдан муайян қўним яшаш сари интилиш эди. Натижада, одамларлар биргина тоғли музофотларда, ўрмонларда эмас, балки текисликларда, кичик дарё ва қўлларнинг соҳилларида, хуллас, ўзларига маъқул экологик бурчакларни танлаб, янги музофотларни ҳам ўзлаштира бошлаганлар.

Самарқанд маконида топилган чайла изларининг майдони 100 м<sup>2</sup> дан кўпроқ бўлиб, у деярли тўғри бурчак шаклига эга бўлганлигини тадқиқотлар исботлайди. Чайла сой бўйига жойлашган ва ибтидоий уруғдошларнинг кундалик ҳаёти шу сой соҳилида овчилик ва термачилик билан ўтган. Макон атрофидаги чакалакзорларда турли ҳайвонлар яшаган. Бу эса овчиларга катта қулайликлар туғдирган.

Топилмалар сўнгги палеолит даврида муҳим ижтимоий ҳодисалар юз берганлигидан дарак беради. Шулардан муҳими уруғчиликнинг, она уруғининг (матриархат) ташкил топиши ва шаклланиши билан боғлиқ. Самарқанд маконини ўрганиш вақтида (1962) сўнгги палеолит даври одам қолдигининг топилиши фақат археологларда эмас, балки антропологларда ҳам тарихимизга катта қизиқиш уйғотди. Одам қолдиги 3 метр 20 см чуқурликда пастки жағ суяги тўққизта тиш билан бирга топилди. Антропологлар бу топилмани 25 ёшлардаги аёлга тааллуқли бўлса керак, деб хулоса бердилар. Бу ердан 1964 йили ёмон сақланган йирик ҳайвон қовурғаси топилди. Унга ибтидоий одам томонидан бешта махсус белги чизилган. Бу ҳодиса уларда абстракт тушунчанинг эндигина шаклланиб бораётганидан гувоҳлик беради деган хулосага олиб келади. Шу йилнинг ўзида маконнинг 2 м 55 см чуқурликдаги маданий қатламидан махсус тешикли иккита денгиз чиғаноғи топилган бўлиб, улардан зебзийнат буюми сифатида фойдаланилган. Бундай чиғаноқлар фақат Ҳинд уммони, Қизил денгиз ва Форс қўлтиғи тропик минтақаларида учрайди. 1965 йилда айнан шундай чиғаноқ Самарқанднинг Дахбет кўчасида 6 метр чуқурликда ҳам топилган эди. Бу манзара сўнгги палеолит даврида Ўрта Осиё қабилалари билан Ҳинд уммони соҳилларида яшаган қабилалар ўртасида муайян маданий алоқалар бўлганлигидан

гувоҳлик беради. Балки бу чиғаноқлар Самарқанд худудига маҳсулот айрибошлаш натижасида келиб қолганлиги ҳақида маълумот бериши ҳам мумкин. Қадимги одамларнинг зеб-зийнат буюмлари 1965-1967 йилларда бу маконни қазиб давомида ҳам топилди. Жумладан, данаксимон шаклдаги суякдан силлиқланиб ясалган 9 та тақинчоқ топилди. Уларнинг иккитасида тешикчалар бўлиб, қолганларида ҳам уларни тешишга ҳаракат излари бор. Шунингдек, макондан катталиги жиҳатидан бир хил бўлган, думалоқ шаклдаги иккита, юпка, оқ қайроқтош топилган. Улардан бирининг айнан ўртасида тош бурғу излари яхши сақланиб қолган. Бу эса сочга тақадиган ва бўйинга осадиган тош тумор ясаш учун тайёрланган ашё бўлиб, улар қадимий одамларнинг безак буюм ясаши учун мўлжалланган. 1967 йили маконни қазиб ишлари давомида маданий қатламнинг юқори қисмидан ажойиб топилма қўлга киритилган бўлиб, унинг ўртаси силлиқланган ва айланаси бўйлаб тўғри чизиқлар тортилган юпка думалоқ шаклдаги тасвир, эҳтимол, одамнинг қадимги тафаккури билан боғлиқ деган фикрларни юзага чиқаради (Аскарлов, Лев, 1971. С. 27).

Шундай қилиб, Самарқанд сўнгги палеолит маконини кенг кўламда, режали асосда қазиб ўрганиш туфайли, нафақат, Самақанд шаҳри, шунингдек, мамлакатимиз тарихини ўрганишда бу ёдгорлик ўзига хос асосий манбалардан бири ҳисобланади. Макон тош индустрияси, шунингдек, санъат буюмлари топилмалари қадимги аجدодларимиз яшаган даврига нисбатан юксак маданият ижодкорлари бўлиб, бу тараққиёт туб, маҳаллий негизда юзага келган. Самарқанд макони ва унга ёндош музофотларда ўрганилган палеолит ёдгорликлари манбалари Ўрта Зарафшон ҳавзасида содир бўлган маданий ўзгаришлар эволюцион йўл билан, пешма-пеш динамик ривожланишда бўлиб, кўни-кўшни музофотларда яшаган қабилалар турмушига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган. Самарқанд палеолит макони нафақат Зарафшон ҳавзасида, шунингдек, ўзининг хилма-хил бой манбалари билан бутун Марказий Осиёда эталон ёдгорлик ҳисобланади (Журакулов, 1984. 34-38 б.).

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Самарқанд маконининг санаси ҳақида олимлар орасида турлича қараш ва мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, В.А. Ранов бу ёдгорликнинг ёшини палеолитнинг энг сўнгги босқичига мансуб деган фикрни илгари суради (Ранов, 1969. С. 46). Мутахассислар маконнинг маданий қатламларининг геологик жойланишини ўрганишлар. Уларнинг фикрича, геологик ва археологик нуқтаи назардан қаралганда, Самарқанд маконининг ёши юқори плейстоценнинг – Q 3 босқичига тўғри келади. Геолог Э.Д. Мамедовнинг фикрига қараганда, маконнинг ёши сўнгги палеолитнинг ривожланган фазасига тўғри келади (Джуракулов, Мамедов, 1986. С. 55). Самарқанд палеолит макони тош индустриясининг қатор йиллар трассологик технологияси асосида кунт билан ўрганган Г.Ф. Коробкова ҳам ёдгорликнинг В.А. Ранов айтганидан анча қадимги эканлиги ҳақида хулосалар чиқарган (Коробкова, Джуракулов, 2000. С. 35).

Самарқанд маконининг Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган муҳим ўрни ҳақида йирик палеолитшунос олимлар юқори баҳо беришган (Ефименко, 1964. С. 15; Борисковский, 1964. С. 18).

1969 йил ёз пайтларида Самарқанд сўнгги палеолит маконидан 1,5-2 км шимолроқда, шу макон жойлашган чашма Сиёб ариғи қадимги узанининг Сиёб дарёчасига қўшилган қирғоғида сўнгги палеолит даврига доир яна бир макон сифатида қайд этилади. Бу макон Ў. Алимов томонидан топилиб, кейинчалик уни Н. Тошкенбоев қазиб ўрганади. Дастлаб Н. Тошкенбоев тепалик қияларининг стратиграфиясини таҳлил этиб, сўнгра бу атрофда 4 жойда кичик қазилма ишларини бажарди.

Маълум бўлдики, авваллари бу ердан ғишт заводини тоза тупроқ олиниши туфайли маконнинг бир қисми бузилган. Чакмоқтош бумлари билан боғлиқ топилмалар, бу ерда қарийб 500 м<sup>2</sup> майдонда тирқираб ётарди. Қазилмалар туфайли маконнинг кум қатлами билан боғлиқ 2,10-2,70 м пастликда биринчи ҳолатида ётган топилмалар, одатда, чакмоқтош буюмларидан иборат эди. Маконнинг геологик ҳолатини ўрганган С.А. Несмянов ва В.А. Семеновлар унинг ёшини Мирзачўл ётқизиғи комплекси билан боғлаб Q3 босқичига доирлигини айтишган (Асқаров, Тошкенбоев, 1970. 82 б.). Бу эса ёдгорликнинг Самарқанд сўнги палеолит маконига тенгдош эканлигини билдиради. Бизнинг фикримизча, ўрта палеолит даврининг охиридан бошлаб Чашмасиёб ўзани қирғоқлари бўйлаб яшаган жамоа гуруҳлари унинг бир неча жойларида макон қуриб яшаган бўлса керак. Чунки бу маконнинг худудидан Г.В. Григорьев (Григорьев, 1941. С. 84-90) Самарқанд макони атрофидан илгари топган қўл чопқиси сингари қуроллардан бири бу ерда ҳам топилган.

Сиёбча маконидан топилган тош инвентарлар таркибида сифатли чакмоқтошдан ишланган қирғичлар, рандалар, понасимон қуроллар, ишлов берилган учриндилар, ҳар хил ҳажмдаги ўзаклар тақдим қилинган бўлиб, тадқиқотчининг фикрига қараганда, бу буюмларнинг шакл-шамойиллари Самарқанд сўнги палеолит маконига хосдир (Ташкенбоев, Сулейманов, 1980. С. 80-86).

Хуллас, Сиёбча маконидан қўлга киритилган кўплаб археологик материаллар Самарқанднинг урбаник даврига бўлган тарихини ўрганишда муҳим манба, деб қаралади. Демак, бундан ташқари ҳам юқорида келтирилган археологик топилмалар палеолит даврида ҳозирги шаҳарнинг эски худуди бўйлаб ибтидоий гуруҳлар унинг бир неча жойларида макон қуриб яшаганлигидан далолат беради.

Самарқанднинг кўҳна тарихини ўрганишда сўнги палеолит даврига мансуб яна шундай бир ёдгорлик Хўжамазгил макони муҳим аҳамиятга эгадир. Бу макон Самарқанд шаҳридан 35 км ғарбий шарқ томонда, Туркистон тоғ тизмасининг ғарбий этакларида жойлашган Килдон қишлоғи яқинидаги Хўжаманзил деган жойдан қадимги чашма атрофида жойлашган бўлиб, маконни Н.Х. Тошкенбоев ўрганган (Ташкенбоев, Сулейманов, 1980. С. 76-86). Топилмалар Мирзачўл қайири Q3 қобиғига тўғри келади (Юрьев, 1964. С. 129; Ранов, Несмянов, 1973. С. 147). Маконда қазил ишлари 1969 йилда бажарилган. Тадқиқотлар давомида маконнинг айрим жойларида маданий қатлам сақланганлиги ҳам маълум бўлди. Ундан қизил бўёқ (оҳра) қолдиқлари, гулхан излари, тош буюмлар топилган. Маконнинг тош индустрияси 200 дан зиёдроқ буюмлар нусхасидан иборат. Бу коллекция таркибида гардишсимон тош ўзаклар, парақадан ясалган пичоқсимон қуроллар, қирғичлар, уларга ўхшаш қуроллар, рандалар ва ҳар хил ҳажмдаги тош учриндилар тақдим қилинган.

Морфологик ва типологик жиҳатдан Хўжаманзил макони ашёлари Самарқанд сўнги палеолит маконига ўхшашдир. Ҳатто бу макон жамоалари қурол ясашда Самарқанд палеолит маконидагига ўхшаш хом ашёдан фойдаланганлар. Макон маданиятининг муҳим хусусиятларидан бири – кўрол-аслаҳалар гардишсимон ва ярим призма шаклидаги ўзаклардан йўниб олинган тош парақалар ва унинг учирмаларидан ясалган. Бу манзара Самарқанд макони учун ҳам характерлидир. Шунини алоҳида айтиш лозимки, Хўжамазгил ва Самарқанд маконлари қурол-аслаҳа ясашнинг техникавий услубида ўрта палеолит даври аънаналари сақланганлиги кузатилади. Бу иккала ёдгорлик ушбу жиҳатлардан ҳам бир-бирига яқин ва ўхшашдир (Тошкенбоев, 1972. 2 б.). Умуман, бундай хусусият Ўрта Осиё сўнги палеолит даври ёдгорликларида сақланиб қолганлиги фанда маълум.

Сўнги йилларда Қоратепа тоғи ён бағирларида олиб борилган дала археологик тадқиқотлар туфайли, Сазағон қишлоғининг пастки чашма атрофида сўнги палеолит даври макони топилди ва маълум даражада ўрганилди. Макон Олмабулоқ номи билан аталади. Дастлабки қисқа қазишмалар натижасида, макондан сўнги палеолит даврига хос тош қуроллар, жумладан, қўл чопқиси, найза тиғи, ишлов берилган тош учирмалари ва ўзаклар топилган, бу ашёлар Самарқанд сўнги палеолит даврига хосдир (Жўрақулов, 2003. 26 б.).

Шундай қилиб, Сиёб, Самарқанд, Хўжамазгил, Олмабулоқ маконлари жамоаларининг ишлаб чиқариш воситалари, хўжалиги, маданияти бир-бирларига айнан яқиндир. Сўнги палеолит даврида она уруғига асосланган овчилар Самарқанднинг турли музофотларида яшаб, ўз даврига хос ва мос маданият яратганлар. Уларнинг кўним яшаш сари интилишларидан гувоҳлик берувчи қапа қолдиқлари ҳам изланишлар натижасида топилди.

Самарқанд диёрида яшаган палеолит жамоалари ўз даврига нисбатан юқори маданият яратганлар ва бу жараён эса туб асосда содир бўлган. Хуллас, Ўрта Зарафшон воҳасида яшаган палеолит даври аجدодларимиз яратган маданият, нафақат Самарқанд, шунингдек, Ўзбекистон тарихини яратишда муҳим манбалардан ҳисобланади.

Сўнги йилларда олиб борилган тадқиқотлар, Самарқанд диёрида ибтидоий давр маданият тарихи узлуксиз ривожланишда бўлганлигини кўрсатди. Масалан, бу музофотда сўнги палеолит жамоаларининг меросхўрлари яшаган мезо-неолит даврига доир қатор ёдгорликлар топилди ва ўрганилди. Жумладан, 1966 йили О. Ибрагимов Тепақул тоғи шимолий ён бағрида жойлашган Сазағон қишлоғи атрофидан топилган микролит қуролларни кафедрага тақдим қилган эди. Бу хабар Д.Н. Левнинг Сазағон қишлоғи атрофида дала тадқиқотларини янада ривожлантиришга туртки бўлди. Д.Н. Лев ўзининг шоғирдлар ҳамда амалиёт ўтовчи тарихчи талабалар иштирокида дастлабки қазишма ишларини бошлаб юборди. Сазағон қишлоғи Самарқанддан 27 км жанубий ғарбда, тоғ бағридаги кенг дарада жойлашган. Текширув ишлари натижасида, Сазағон қишлоғи жойлашган дара қайирларида мезолит ва неолит даврларига доир маконлар топилди. Маконларнинг иккитасида қазишма ишлари олиб борилди. Уларнинг бирига Сазағон-I, иккинчисига Сазағон-II номи берилди. Бу маконлар дара сойининг ўнг қирғоғидаги қайирда жойлашган.

Сазағон-I маконининг фақат айрим жойларидагина тегинилмаган маданий қатламлар сақланиб қолган. Кўпгина микролит буюмлар ер сатҳида сочилиб ётарди. Сабаби, бу атрофни кишилар турли даврларда деҳқончилик хўжалиги мақсадида ўзлаштирганлар. Бу макон теварак-атрофидан, унинг маданий қатлампидан кўплаб микролит қуроллар топилди. Коллекция таркибида микроқирғичлар, ўқ-ёй учлари, қаламсифат, призма шаклидаги ўзаклар, ишлов берилган ва ишлов берилмаган микропарақалар, ушаткич, тешкич ва кесувчи қуроллар тақдим қилинган. Шунингдек, сақланган маъдан қатламларида гулхан (ўчоқ) излари топилди. Маконда яшаган сайёҳ овчилар термачилик ва овчилик асосида тирикчилик ўтказганлар. Масалан, макондан топилган бўри, тулки, тоғ эчкиси, қўй, жайра сингари жониворларнинг ва парранда суяк қолдиқларининг топилиши бундан далолат беради. Умуман, топилмалар коллекцияси 600 дан зиёдроқ ашёлардан иборат. Маконда харсанг тош қаламаларининг қолдиқларига қараганда, Сазағон-I да мезолит даври овчилари ярим ертўла, чайласимон капаларда яшаганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Шундай қилиб, геолог ва археолог олимларнинг ҳамкорлигида аниқланишича, Сазағон-I ман-

балари мил. авв. 12-7 минг, Сазағон-II манбалари эса мил. авв. 6-4 минг йилликларга тааллуқли бўлиб чиқди (Джуракулов, Мамедов, 1986. С. 14-18).

Доимий дала кузатув ишлари туфайли Сазағон ва Тепакул қишлоқлари атрофидан 30 дан зиёд неолит маконлари топилди. Бу манзара бу атрофда бир неча она уруғи жамоалар гуруҳлари кенг кўламда ёйилиб, тигиз ва ҳамкорликда яшаганлигидан дарак беради.

Сазағон-II неолит даври макони ҳам қизиқарли археологик манбалар берди. Бу ёдгорликлар ҳудудий жиҳатдан бир-бирига яқин ва дара қайирининг бир мунча текислик участкаларида жойлашган. Сазағон-II жамоалари Сазағон-I мезолит жамоаларининг меросхўрлари бўлиб чиқди.

Сазағон II маконида кенг кўламда қазилма ишлари бажарилиб, қарийб 800 м<sup>2</sup> майдон очилиб текширилди. Маконнинг айрим жойлари кейинги даврларда бу ерни экинзорга айлантирилиши муносабати билан бузилганлиги маълум бўлди (Джуракулов, Холматов, 1991. С. 21-24). Қазилма ишлари бажарилган жойларнинг айрим қисмларида маданий қатлам яхши сақланган. Маконнинг маъдан тупроқ қалинлиги 2,8-3 метрдан иборат. Қазилмалар давомида макондан 4 мингдан кўпроқ археологик ашёлар тўпланди. Бу катта коллекция таркибида турли шакл-шамойилга эга тошдан ва суякдан ясалган қуроллар, жумладан, қирғичлар, қадама тошлар, ишлов берилган парақалар, ўқ-ёйлар, рандалар, силлиқланган болталар, поналар, сопол идиш парчалари, суяк бигизлар, тош тешгичлар, ҳар хил шаклдаги призматик ўзаклар тақдим қилинган. Умуман, бу атрофни ўрганиш шундан дарак берадики, Сазағон тоғ дарасининг қулай экологик бурчакларида ва у билан боғлиқ қайирлар устида она уруғи жамоаларининг бир неча гуруҳлари яшаганлигидан гувоҳлик беради. Шунингдек, маъдан қатламлардан топилган гулхан, ўчоқ, тошдан қаланган қапа пойдевори, ҳайвонот олами, сопол парчалари, зеби-зийнат ашёлар ҳамда микролит ва бошқа рўзғор буюмларининг топилиши бундан далолат беради.

Сазағонлик мезо-неолит жамоалари тошни қайта ишлаш, силлиқлаш, тўғри призма шаклдаги парақаларни тош ўзакларидан ажратиш олиш усталари бўлишган. Аммо тошнинг турли учирмалари асосида қуроллар кўпроқ ишлаб чиқилган. Бу манзара сазағонликлар маданиятининг ўзига хослигини кўрсатади. Макондан топилган турли шаклдаги қирғичлар, рандалар, тешгич сингари қуроллар шундан далолат беради.

Айниқса, кумтошдан ясалган ва турли ҳажм ва шаклдаги ёргучоқлар, қадама тош (ўроқ, пичоқ) тиғлари сингари рўзғор буюмларининг кўплаб топилиши бу жамоаларнинг зироатчилик, яъни оддий деҳқончиликни кашф қилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш иқтисодига ўтганлигидан гувоҳлик беради.

Инсоният тарихида деҳқончилик хўжалигининг кашф қилиниши инқилобий ходиса бўлиб, бу цивилизациянинг илк илдизларидан саналади. Бу хўжаликнинг тобора ривожланиши жамоаларнинг ижтимоий, маиший, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётида буюк рол ўйнаган. Сазағонлик жамоалар бу даврда она уруғдошлик тизими ва унинг гуллаган тараққиёт босқичида турар эди. Турли-туман меҳнат қуролларининг топилиши бу жамоаларда ўз замонида нисбатан меҳнат тақсимотининг доимий ривожланиб боришидан далолат беради.

Дастлабки деҳқончилик асосида бўлсада, кишилар эндликда табиат мураввугига қарам бўлмасдан, озуқа маҳсулотларини ўзлари ҳам ишлаб чиқара бошлаганлар ва бу жараён турмушнинг янада ривожланишига катта манфаат келтирувчи муҳим омил эди. Шу ўринда зикр этиш жоизки, ижтимоий ишлаб чиқариш замида кишиларнинг табиий эҳтиёжлари ўзгариб боради, яъни фақат инсонга хос, моддий ва маъна-



вий эҳтиёжлар пайдо бўла бошлайди. Моддий ишлаб чиқариш асосида маънавий маданият шаклланиб боради ва тараккий этади, ижтимоий онгининг турли шакллари вужудга келиб, жамият ҳаётида муҳим ўринларни эгаллайди. Сазағон мезо-неолит маконлари берган манбалар ана шундай жараёндан ва бу ерда таракқиёт ўз даврига нисбатан доимий ривожланишда бўлганлигидан далолат беради. Сазағон маконларидан топиб ўрганилган манбалар, айниқса, тош қуролларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлар аниқланди. Мехнат қуролларининг кўп ҳолатларда тош учирмалари асосида ясалганлиги, қайроқ қуролларнинг ҳамон мавжудлиги, тошни қайта ишлашда қўлланилган техник-технологик услублар, тақдим қилинган тош ўзақлар, мехнат қуроллари, жумладан, қирғич, ранда, искана, пичоқ, болта сингариларнинг ясашиш хусусиятларининг ўзига хослиги ҳамда уларнинг айримларида сўнгги палеолит, хусусан, Самарқанд палеолит макони маданияти анъаналари билан боғлиқлигини кузатиш мумкин бўлди. Хуллас, Сазағон мезо-неолит ёдгорликлар мажмуаси ўзининг зикр этилган ва бошқа муҳим аломатларига нисбатан «Сазағон маданияти» номи билан фанга кирди (Журакулов, Холматов, 2004. 38-41 б.).

Сазағон маданияти мажмуасига кирувчи маконлардан топилган, тошдан силлиқланиб ишланган турли тақинчоқлар бу жамоаларнинг санъати ҳақида ва ўзларига оро бериш анъаналарининг мавжудлигини кўрсатади. Шуни айтиш лозимки, Сазағон она уруғдош жамоаларининг муҳим озуқа манбаи нафақат мотиға дехқончилиги, шунингдек, овчилик ва термачилик ҳам эди. Бу маконлардан топилган тоғ эчкиси, архар, бўри, буғу, жайрон, буқа, тўнғиз каби ёввойи жониворларнинг суяк топилмалари бу ҳақда гувоҳлик беради. Сазағонликлар хонаки чорвачилик билан эндигина шуғулана бошлашган эди. Уларнинг хонаки ҳайвонлари эчки, қўй бўлган. Қорамол суяклари маконда фақат ахён-ахёнда учрайди.

Сазағон-II маконининг маданий қатламининг пастки горизонтдан жуда кўп йирик тош бўлақлари ва гулхан (ўчоқ) қолдиғининг учраганига қараганда, бу ерда ярим ертўла шаклидаги чайла қурилган бўлиши мумкин. Бироқ маконнинг бу жойлари аввалдан бузилганлиги туфайли чайла қолдиғини аниқлаш имкони бўлмади.

Археолог Н.Ў. Холматов Сазағон қишлоғига яқин тоғ дарасида жойлашган Тепакул сойи ўнг қайирида 1999 йилдан эътиборан археологик тадқиқотлар олиб бориб, даранинг бир неча жойларидан неолит даври маконларини топди ва айни пайтда уларни ўрганмоқда. Шулардан бири – Тепакул-4 номини олган бўлиб, бу ерда неолит даври жамоаларининг катта макони ўрганилмоқда. 1992-1993 йилларда москвалик археолог А.В. Виноградов ҳам қазииш ишларида ҳамкорлик кўрсатди. Тепакул-4 маконининг 400 м<sup>2</sup> майдони очилиб ўрганилди. Маданий қатлам билан боғлиқ тупроқ қалинлиги 1,5-2 м. Маданий қатлам маконнинг энг пастки горизонтида сақланиб қолган. Макондан қарийб 5 мингдан зиёд археологик ашёлар топилган бўлиб, улар айнан Сазағон маданиятини эслатади (Холматов, 2003. С. 61-65).

Бундан ташқари Н.Ў. Холматов ижрочилигида Сазағон қишлоғи яқин атрофида жойлашган сойлар қайирларида, шунингдек, Тепакул, Эгрикул, Жангал қишлоқлари атрофидан неолит маконларини қазиб ўрганиб, муҳим манбалар тўплашга эришди. Сазағон маданиятига оид ўша даврда яшаган жамоаларнинг излари Қоратепа тоғининг энг баланд жойларида, шунингдек, унинг жанубий қияларида ҳам мавжудлиги аниқланди (Холматов, 2003. С. 63-66). Дарҳақиқат, тоғнинг бу худудида халқ орасида Амир Темур номи билан юритиладиган ғордан илгари микролит буюмлари топилган эди.

Йирик сув оқимига эга бўлган Яккабоғдарё, (Қизилдарё сув манбаи қўшилишидан ҳосил бўлган) Қашқадарёга етмасдан, у тоғ этакларидан кейин икки суғориш тармоғига бўлиниб кетади. Бу икки йирик суғориш тармоқларидан бири Қизилсув номи билан аталган бўлиб, шимолий-ғарб томон, иккинчиси Қорабоғ номи билан аталган бўлиб ғарбга томон оқиб, аввал Танҳоздарё сув манбаига сўнгра Қашқадарёга қўшилиб кетади. Шу жойдан Қашқадарё йирик суғориш тармоғи ҳосил бўлади.

Чимқўрғон қишлоғи атрофида дарё водийсининг кенглиги 150 м.га камаяди. Оқсув ирмоғининг куйилиш жойидан ўтгач дарё ўзани анча кенгаяди. Бу катта ирмоқнинг дарёга келиб қўшиладиган жойидан пастрокда янги ўзан ҳосил қилиб бир қанча кичик суғориш тармоқларига ажралиб кетади. Қашқадарё ўзанига Ғузордарё келиб қўшилган жойдан Қарши воҳаси бошланади ва дарёнинг мавжуд сувлари ушбу воҳанинг суғорилишига сафарбар бўлади.

Воҳанинг куйи қисмида Қашқадарё ўз номини ўзгартириб, Маймоноқдарё номини олади. Ушбу ўзан Қарши чўли худудларида сув етмай қолганлигидан куриб қолади (Шульц, Машрабов, 1969. 129-б.).

Ҳисор тоғ тизмаларидан бош олган кичкина Лангардарё-Яккабоғдарё ҳамда Ғузордарёлар оралиғида жойлашган. Бу дарё мўъжазгина бўлиб, тоғ этакларидан чиққанидан сўнг, бу кичик дарё сувлари Қашқадарёга етиб бормасдан дехқончилик воҳаларини суғоришга сарфланади.

Ғузордарё, Қашқадарёнинг куйи сув манбаи бўлиб Каттаўрадарё ҳамда Кичик ўрадарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади, куйи оқимида ушбу ўзан Қорасувдарё деб ҳам аталади (Шульц, 1965. С. 458).

Юқорида қайд қилинган Жиндарё, Оқсувдарё, Танҳоздарё, Яккабоғдарё, Ғузордарё ва Лангар кичик дарёлари Қашқадарёнинг юқори қисмида жойлашган бўлиб, улар тез оқадиган, нишаб, тик тоғ дарёларидир. Бу дарёлар тоғлардан ажралиб, текисликка чиққач кўпгина суғориш тармоқлари орқали дехқончилик воҳаларига узатилади.

Биз ўрганаётган Қашқадарёнинг ўнг қирғоғида баландликдан оқиб тушадиган йирик тармоқлар йўқ. Унча баланд бўлмаган Қоратепа тоғ тизмасидан катта-кичик йигирмага яқин сойлар келиб дарёга қўшилади. Қоратепа тоғ тизмаси унча баланд бўлмаганлиги боис мавжуд сойлардан оқиб келадиган сув миқдори жуда кам. Юқоридан келиб тушадиган йигирмага яқин катта-кичик сойлар тўртта ҳавзага бирлашган. Қалқамсой, Шўробсой, Макридсой, Оёқчисой шулар жумласидандир. Баҳор мавсумида сел сувлари



кўп бўлган вақтларда мавжуд сойларнинг сувлари Қашқадарёга етиб келади. Воҳада ёғингарчилик кам бўлган даврларда сой сувлари Қашқадарёга етмай тугаб қолади.

Бу дарёларнинг сув йиғилиш майдонларининг ўртача баландлиги тўғрисида қисқача маълумот берамиз:

Яккабоғдарёнинг сув йиғиш майдонининг ўртача баландлиги - 2702 м.га тенг.

Оқсувдарёнинг сув йиғиш майдонининг ўртача баландлиги - 2444 м.га тенг.

Танҳоздарёнинг сув йиғиш майдонининг ўртача баландлиги - 2170 м.га тенг.

Бу дарёларнинг сув йиғиш майдонларида олтмишга яқин катта-кичик музликлардан ҳосил бўлади. Дарёлар сув йиғиш майдонларининг энг баланд чўққилари 4000 м.дан ортади.

Оқсув, Яккабоғдарё ва Танҳоздарёларнинг сув йиғиш майдонлари баландда жойлашганлиги учун бу дарёлар қор-муз сувларидан тўйинадиган дарёлар типига киради. Шунинг учун ҳам бу дарёлар Қашқадарё ҳавзасининг энг серсув дарёлари ҳисобланади.

Қашқадарёда максимал ўртача ойлик сув сарфи июль ойига тўғри келади. Июль ойида ўртача оқим модели 83,26 м<sup>3</sup>/секундга етади. Минимал сув сарфи эса январь ойига тўғри келади. Январ ойида оқим модели 14,30 м<sup>3</sup>/секундга етади. Қашқадарёнинг асосий сув манбалари ҳисобланган Оқсув дарёсининг ўртача ўн йиллик сув сарфи 13,8 м<sup>3</sup>/сек, Яккабоғ дарёсида ўртача ўн йиллик сув сарфи 8,08 м<sup>3</sup> секундга ва Танҳоздарёда эса секундига 4,30 м<sup>3</sup> га етади.

Қашқадарёнинг биринчи чап ирмоғи бўлган Жиндарёнинг сув йиғиш майдони юқорида кўрсатиб ўтилган дарёларга нисбатан анча паст. Қашқадарё сув йиғиш майдонининг ўртача баландлиги 1823 м, Жиндарёники эса 1573 м.га тенг. Шунинг учун ҳам Қашқадарё қор сувлари билан, Жиндарё эса қор-ёмғир сувлари билан тўйинадиган дарёлар жумласига киради. Жиндарёда максимал сув сарфи апрел ойига, минимал сув сарфи ноябрь ойларига тўғри келади. Жиндарё қор-ёмғир сувлари билан тўйинганлиги учун апрел ойида ёмғир миқдори кўп бўлиб турса дарёда сув миқдори тез-тез ўзгариб туради.

Таъкидлаш жоизки Оқсув, Яккабоғ, Танҳоздарёларига нисбатан Қашқадарё ҳамда Жиндарёда октябрь, февраль ойларида анча кўп сув оқади. Бунга биринчидан, Қашқадарё ва Жиндарё ўзанларига ер ости сувларининг кўпроқ чиқиши сабаб бўлса, иккинчидан унча баланд бўлмаган дарёларнинг сув йиғиш майдонида октябрь, феврал ойларида ёмғирлар кўп ёғиши ва ёққан қорларнинг эриб туриши сабаб бўлган.

Қашқадарёнинг (Варганза қишлоғи ёнида) тоғдан чиқиш жойида ўртача йиллик сув сарфи 5,46 м<sup>3</sup>/секундга, Жиндарёнинг сув сарфи (Паландара қишлоғи ёнида) 1,50 м<sup>3</sup>/секундга тенг бўлади.

Қашқадарёнинг унча баланд бўлмаган тоғлардан чиқиш жойидан Қарши воҳасигача бўлган қисмида унинг ўзанидан ҳам серсув бўлган ирмоқлар - Оқсувдарё, Яккабоғдарё ва Танҳоздарё сув манбалари келиб қўшилади. Тўлиб оқадиган Қашқадарёнинг йиллик сув оқим миқдорининг 80 фоизини шу ирмоқлар ташкил қилганлиги учун ҳам Қашқадарёнинг ўрта оқими доимий бўлиб оқади.

Қашқадарёнинг яна энг муҳим ирмоқларидан бири Ғуздордарёдир. Бу дарёнинг сув йиғиш майдони унча баланд эмас. Ўртача сув йиғиш майдонининг баландлиги 1530 метрга тенг. Қашқадарё ҳавзасидаги бошқа дарёларнинг сув йиғиш майдонига нисбатан Ғуздордарёнинг сув йиғиш майдони анча ноқулай жойлашган. Ғуздордарё асосан мавсумий қор ва ёмғир сувлари билан тўйинади, шунинг учун ҳам унда максимал сув сарфи апрель ойида, минимал сув сарфи эса сентябрь ойида кузатилади.

Мавсумий қорларнинг эриши билан бир вақтда Ғузордарё ҳавзасида кўпинча шиддатли жалалар ҳам ёғади, натижада дарё сувларининг кўп қисми Қашқадарёга қуйилади. Ўша даврларда максимал сув сарфи секундига 80-90 м кубга етади (Шульц, Машрапов, 1969. 132 б.).

Қашқадарёнинг шарқий томонидаги Лангардарёда ўртача йиллик сув сарфи секундига 1 куб м.га етади.

Демак, Қашқадарё ҳавзасида ўртача ҳисобда секундига  $50 \text{ м}^3$  ёки  $1\,575 \text{ млн/м}^3$  сув оқими ҳосил бўлади. Қашқадарё ҳавзасидаги сув тахчиллик муаммосини яхшилаш мақсадида қадимдан Зарафшон дарёсидан Эскиангор канали орқали воҳага сув олиб келинган. Ҳозир ҳам Зарафшон дарёси орқали Эскиангор каналига ёз мавсумида секундига саккиз кубга яқин сув олинади.

Қашқадарё воҳасининг суғорма деҳқончилиги, суғориладиган экин майдонларини сув билан таъминлаш кўпроқ дарё оқимининг режимига боғлиқ бўлган шунинг учун ҳам қолган сув манбаларига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

**Оқсувдарё.** Бу йирик сунъий суғориш тармоғи Қашқадарё сув манбаининг энг йириги ҳисобланади. Бу дарё йил давомида воҳасининг 22 минг гектарга яқин ёр майдонини суғориш қувватига эга. Ўртача йиллик сув оқими -  $12 \text{ м}^3/\text{сек}$ . Суғориш даврида -  $23 \text{ м}^3/\text{секундга}$  етади. Энг кам сув оқими даври январь ойига тўғри келади, секундига  $1 \text{ м}^3$  сув оқади. Оқсувдарёдан суғориш тармоқларига сув сарфи март ойидан бошланади. Энг кўп оқадиган сув сарфи июнь-июль ойларига тўғри келади, секундига  $12\text{-}15 \text{ м}^3$  га етади. Бу йирик дарё тоғ орасидан чиққандан кейин учта суғориш тармоғига бўлинади. Оқсувдарёнинг ўнг суғориш тармоғи асосан Китоб воҳасини ҳамда икки чап суғориш тармоғи Мўминобод ва Чоршанба кичик воҳаларини сув билан таъминлаб, улардан ортган қисми Шаҳрисабз воҳасини ҳам суғоради. Бу йирик учта сунъий суғориш тармоқларининг ҳар бирини узунлиги 10-12 километрга тенг.

**Танҳоздарё.** Бу йирик сунъий суғориш тармоғи бир неча суғориш шахобчаларига бўлиниб кетади. Дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи  $4,5\text{-}4,8 \text{ м}^3/\text{сек}$  га тенг. Суғориш даврида сув оқими  $8 \text{ м}^3/\text{секундга}$  етади. Дарё сунъий суғориш тармоқларининг энг каттаси Чанқирғоқ суғориш тармоғи бўлиб унинг узунлиги 10 км.га яқин. Бу суғориш тармоғининг ўртача йиллик сув сарфи  $6\text{-}6,5 \text{ м}^3/\text{сек}$  га тенг. Суғориш даврида, секундига  $10\text{-}12 \text{ м}^3$  га боради. Қолган иккита кичик суғориш тармоқлари ҳам воҳа ер майдонларини суғоришга сарф бўлади.

**Яккабоғдарё.** Ҳисор тоғ тизмасидан бош олган Қизилдарё сув манбаининг келиб қўшилишидан ҳосил бўлган Яккабоғдарё, Яккабоғ воҳасининг асосий сув манбаи ҳисобланади. Яккабоғдарё ҳозирги Яккабоғ туманининг шимоли-ғарбий қисмидан учта йирик суғориш тармоғига бўлиниб кетади.

Бу йирик суғориш тармоқларига алоҳида тўхталиб ўтамиз, чунки уларнинг сув манбаи мавжуд ер майдонларини суғоришга сунъий суғориш тармоқлари орқали сарф бўлади.

Биринчи суғориш тармоғи; Бу йирик суғориш тармоғининг ўртача йиллик сув сарфи секундига  $3 \text{ м}^3$  га тенг. Суғориш даврида секундига  $5\text{-}6 \text{ м}^3$  га боради ва Яккабоғ туманининг жанубий қисмидаги деҳқончилик майдонларини тўлиқ сув билан таъминлайди.

Иккинчи суғориш тармоғи; Бу йирик суғориш тармоғининг ўртача йиллик сув сарфи секундига  $5 \text{ м}^3$  га тенг. Суғориш даврида секундига  $8\text{-}10 \text{ м}^3$  га боради. Бу тармоқ орқали Яккабоғ туманининг ғарбий қисмидаги деҳқончилик майдонларини сув билан таъминланади.

Учинчи суғориш тармоғи; Бу йирик суғориш тармоғининг ўртача йиллик сув сарфи юқори бўлиб секундига 10-11 м<sup>3</sup> га етади. Суғориш даврида сув сарфи секундига 20-22 м<sup>3</sup> га боради. Бу йирик суғориш тармоғи орқали, Яккабоғ туманининг шимолий ва шимолий-шарқий қисмидаги деҳқончилик майдонлари тўлиқ сув билан таъминланади.

**Ғузордарё.** Бу дарё асосан қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Ғузор туманининг асосий сув манбаи бўлиб, туман марказининг ғарбий қисмидан учта суғориш тармоғига бўлинади. Дарёнинг йиллик сув оқими 5,7 м<sup>3</sup>/сек. Баҳор ойларида секундига 650-750 м<sup>3</sup>/сек га етади. Энг кам сув оқими январь-февраль ойларида бўлиб секундига 1,5 м<sup>3</sup> га етади.

Қашқадарёнинг йиллик оқимининг ўзгариб боришига ирригация катта таъсир кўрсатади. Сув манбанинг асосий қисми Шахрисабз ва Қарши воҳаларининг суғориш тармоқлари орқали сарфланиб, энг қуйи оқими қарши чўлига етганида тугайди.

**Эскиангор сунъий суғориш канали.** Бу сунъий суғориш канали Зарафшон дарёсининг сув манбаидан, аниқроғи Дарғом каналидан бунёд қилинган бўлиб Қашқадарёга келиб қўшилади. Эски Ангор Қашқадарё воҳаси қуйи қисмининг асосий сув манбаларидан бири ҳисобланади. Эскиангор сунъий суғориш каналининг ўртача йиллик сув сарфи секундига 8 м<sup>3</sup>/га тенг. Суғориш даврида секундига 40-45 м<sup>3</sup> га боради. Эски Ангор сунъий суғориш каналининг энг кўп сув оқими июнь- июль ойларига тўғри келади, Бу даврда секундига 45 м<sup>3</sup> га етади. Энг кам сув оқими декабрь- январь ойларига тўғри келади. Бу даврда секундига 2-3 м<sup>3</sup> га етади (2-жадвал).

Бу сув манбаи орқали Қашқадарё воҳасига кўп миқдорда тупроқ унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган минерал моддалардан иборат оқизинди жинслар ҳам оқиб келади. Қарши воҳасидаги суғорма деҳқончилик учун яроқли бўлган аллювиал текисликлар биргина Қашқадарёдан эмас, балки Зарафшон дарёсидан оқиб келадиган лойқалар орқали ҳосил бўлади. Суғориш даврида тупроққа келиб қўшиладиган лойқаларнинг кимёвий таркиби қуйидагилардан иборат. Кремний оксиди, темир оксиди, алюминий оксиди, фосфор оксиди, магний оксиди, натрий оксиди, калий оксиди ва оҳак шулар жумласидандир. Бу элементлар Зарафшон дарёси орқали Қарши воҳасининг деҳқончилик майдонларига аралашиб кетади. Воҳанинг Зарафшон дарёси суви билан

2-жадвал. Дарёларнинг техник иқтисодий кўрсаткичи

| №  | Дарёларнинг номи        | Ишлаш қобилияти (м <sup>3</sup> /сек ҳисобида) | Суғориладиган майдонлар (га ҳисобида) |
|----|-------------------------|--|---------------------------------------|
| 1  | Оқсув дарё (ўнг қирғоқ) | 15,0   | 4840                                  |
| 2  | Қашқадарё               | 0,15   | 0,160                                 |
| 3  | Жиндарё                 | 0,70   | 880                                   |
| 4  | Яккабоғдарё             | 21,4   | 20420                                 |
| 5  | Танхоздарё              | 6,80   | 6900                                  |
| 6  | Лангардарё              | 2,10   | 1750                                  |
| 7  | Каттаўрадарё            | 2,0  | 1620                                  |
| 8  | Кичикўрадарё            | 2,0  | 1620                                  |
| 9  | Зарафшон                | 6,0  | 6770                                  |
| 10 | Қалқонсойдарё           | 1,10   | 700                                   |
| 11 | Қайирма                 | 10,50  | 7800                                  |
| 12 | Оқсувдарё чап қирғоқ    | 18,0   | 15740                                 |
| 13 | Оқсув булоғи            | 0,20   | 210                                   |
| 14 | Қорабулоқ               | 2,40   | 2300                                  |
| 15 | Кичик булоқ             | 1,60   | 970                                   |
| 16 | Қашқадарё               | 28,0   | 31000                                 |

суғорилган ер майдонларининг унумдорлиги Қашқадарёниқига нисбатан юқори эканлиги кузатилади.

Шундай қилиб, Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари Шахрисабз ва Қарши воҳаларини сув билан таъминлабгина қолмай, балки кимёвий ўғитлар билан ҳам етарли миқдорда озиклантиради. Бу лойқалар Қашқадарё воҳасининг аллювиал текислигини бунёд бўлишида муҳим роль ўйнаган. Водийнинг текис, унумдор экин майдонлари агроирригация қатлами мавжуд дарёларнинг лойқалари туфайли вужудга келган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

- Гулямов Я.Г.* Исследование исторической гидрографии низовьев Кашкадарьи и Зарафшана // ИМКУ. Вып. 6. Ташкент, 1965.
- Кабанов С.К.* Археологические наблюдения на строительстве Иски–Ангарского канала // ИМКУ. Вып. 1. Ташкент, 1959.
- Ирригация Узбекистана.* Т. II. Ташкент, 1979.
- Мухаммаджонов А.Р.* Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1972.
- Равшанов П.* Қашқадарё тарихи. Тошкент, 1995.
- Сулеймонов Р.Х.* Древний Нахшаб. Ташкент, 2000.
- Ўзбекистон* Миллий Энциклопедияси. 10-том. Тошкент, 2005.
- Шульц В.Л., Маишрабов Р.* Ўрта Осиё гидрографияси. Ташкент, 1969.
- Шульц В. Л.* Реки Средней Азии. Ташкент, 1965.
- Янгибоев М.* Қашқадарё вилояти географияси. Қарши, 1993.



## КОМПЛЕКС МАТЕРИАЛОВ РУБЕЖА РАННЕГО И РАЗВИТОГО СРЕДНЕВЕКОВЬЯ ИЗ БУХАРСКОГО ОАЗИСА

© 2011. Дж.К. Мирзаахмедов, М.Н. Султанова  
Институт археологии АН РУз.

Археологические работы последних десятилетий, как на ранее исследованных, так и отдельных новых памятниках оазиса год от года дополняют и расширяют наши представления о древней и средневековой истории региона.

К таковым можно отнести находку комплекса бытовой посуды из верхних горизонтов городища Варданзе. Материалы были выявлены из мусорной ямы располагавшейся в 0,75 м. от уровня дневной поверхности, классифицируясь по формам и характеру назначения на столовую и хозяйственно-кухонную посуду.

Столовая посуда вся станковая. Представлена, в подавляющем большинстве, фрагментами кружек с высокими бортиками (от 4,4-до 5,4см), в придонной части с менее или достаточно хорошо выделенным расширяющимся изгибом стенок при переходе к усеченно – коническому тулову (рис.1:1,2). Ручки петлевидные, верхней частью крепятся к бортику, а нижней к тулову сосуда. Черепки розовых, ангобы, в большинстве случаев, бежевых оттенков. Выявлено пять экземпляров кружек во фрагментах с диаметрами венчиков 14-14,5см. Они аналогичны образцам из синхронных комплексов по Афрасиабу и датируются второй половиной VIII в. (Ахунбабаев, Соколовская. 1996, рис.1:3, стр. 102). По Бухаре они фиксируются в материалах Пайкендской аптеки с ещё большей конкретизацией датировок конца VIII в (Мухамеджанов, Семёнов. 1986, рис.3, с. 218-219).

К следующей форме столовой посуды можно отнести небольшой фрагмент венчика кувшина ойноховидного профиля с характерным примятым, зауживающимися сливом (рис.1:3), датируемый исследователями VII-VIII вв.

Хозяйственно-кухонная посуда представлена археологически целым двуручным кувшиновидной формы сосудом (рис.2). Изготовлен вручную из огнеупорной глины с примесью дресвы и шамота (д.в. - 16см., д.д. - 9,6см., высота - 27,5см.).




Рис. 1. Образцы столовой посуды

Венчик с клювовидным выступом, заострённый с обеих концов, донце плоское неровное, со следами подсыпки песка по основанию. Стенки тулова шероховатые, яйцевидной формы, покрыты сероватым ангобом, закопчены. Небольшие петельчатые ручки, как и на кружках, рассчитаны на продевание указательного пальца. Имеет аналогии по комплексам Каунчи-3.

Следующие две находки представляют основания от сосудов, видимо, горшковидных форм, с небрежно выполненными небольшими отверстиями по днищу (рис.3:1,2). По назначению, скорее всего, носили характер цедилок при приготовлении кисло-молочных продуктов. Выполнены на станке, стенки шероховатые, с неровными, грубыми срезами ножом по основанию. Покрыты ангобом светло-желтоватых тонов. Диаметры донца 6-6,5 см.

Небольшой сосуд горшковидной формы (рис.3:3). Изготовлен на станке, ангоб отсутствует, черепок розового цвета. Венчик подтреугольный, тулово шаровидных очертаний (д.в. - 8,5 см., д.д. - 5,8 см, высота-11,3 см.). Днище со следами среза и обработки ножом.


Фрагмент воронки (рис.3:5). Сохранившаяся высота - 9 см, тесто черепка розовое, покрыт желтоватым ангобом. Диаметр отверстия по основанию - 0,8 см. Фрагмент от крышки хума, с толстыми стенками и большой ручкой (рис.3:6).

Фрагмент небольшого лепного сосудика, округлых очертаний, форма не реконструируется (рис.3:4). Черепок розового цвета, по верху тулова отмечены следы потёков красного ангоба (д.д. - 5,5 см, сохранившаяся высота - 5,4 см., д.т. - 6,3 см).

К следующей находке в комплексе можно отнести искусственно закруглённый небольшой фрагмент стенки кувшиновидного сосуда с отверстием в центре, возможно, использовавшегося как грузило для ткацкого станка. Интерес вызывает то, что рядом с центральным отверстием располагается маленькая выемка, как это мы наблюдаем на крупных жерновах, предназначавшаяся для их вращения. Возможно, мы здесь имеем дело с детской игрушкой имитирующей жернов для растирания зерна, так как подобные находки уже были отмечены нами и по другим средневековым комплексам из Бухары (рис.3:7).

Особое значение комплексу придаёт следующая интересная группа изделий состоящих из образцов столовых форм редко встречаемых в исследуемую эпоху. К таковым можно отнести археологически целое небольшое поливное блюдо и фрагменты от дниц трёх стеклянных сосудов.

Блюдо имело кольцевое донце, полусферические стенки и отогнутый наружу небольшой бортик (рис. 4:1). Тесто черепка плотное, желтого цвета, белая, с матовым оттенком гладкая непрозрачная глазурь покрывает как внутреннюю, так и внешнюю поверхность посуды, включая поддон. Орнаментация отсутствует, д.в. - 24 см, д.д. - 10 см,



*Рис. 2. Лепной, огнеупорный кувшиновидный сосуд*

высота – 7,4 см. При ещё недостаточно совершенных, грубовато исполненных образцах неглазурованной керамики комплекса, с включением лепных форм, полном отсутствии даже фрагментов поливных изделий, появление оригинального глазурованного блюда с нехарактерным для местных изделий плотным жёлтым черепком и непрозрачной матовой поливой, безусловно свидетельствует о её привозном характере. По результатам работ на Афрасиабе Г.В. Шишкина относит их к наиболее ранним импортным образцам из Самары, выполнявшихся в подражании под белый китайский фарфор или образцы первых подобных блюд изготовлявшихся здесь же в подражание Ближневосточным формам (Шишкина. 1979, с.40-41. табл. XXI, фиг.3,5).

Среди изделий из стекла наиболее чётко определяется фрагмент массивного донца колоколовидной рюмки на неустойчивой ножке. По классификации Г.В. Шишкиной по стеклу Афрасиаба – это наиболее ранние типы подобных сосудов датируемых второй половиной - концом VIII в. (Шишкина. 1986. с.19). Стекло зелёного оттенка, донце – дисковидно – вогнутое, покрыто иризацией (д.д. – 2,8 см, сохранившаяся высота 2,9 см.).

Следующий фрагмент выделенного сплошного поддона, с отходящими от основания толстыми стенками, возможно, представляет форму высоких бокаловидных стаканов или кружки. Стекло прозрачное, синеватого цвета (д.д. – 4,6 см, сохранившаяся высота – 1,4 см.).

К наиболее близким по форме могут быть отнесены фрагменты донца из Пенджикента датируемые первой половиной - серединой VIII в. (Распопова. 2010. табл. XVI. Каталог №48, 196).

Последний образец основания стакановидного сосуда или кружки выполнен из прозрачного светлого стекла, слегка жёлтоватого оттенка. Диаметр донца достигает – 6,5 см, сохранившиеся высота 2,1 см. Наиболее близко к ней по форме стоит стеклянная кружка из ранних закрытых комплексов по Афрасиабу (Шишкина. 1986. рис. 1:15). Интересно, что из этого же комплекса происходит аналогичная нашей колоколовидная рюмка и комплекс в целом датируется концом VIII – началом IX в.





Рис. 3. Лепные и станковые фрагменты хозяйственно-кухонной керамики

Таким образом, интересные материалы из верхних культурных горизонтов цитадели Кургана Варданзе указывают на его повторное обжигание после разрушений связанных со взятием города в начале VIII в. войсками Кутейбы.

Оригинальность самого комплекса заключается в наличии форм станкового и лепного характера представляющих не совсем качественный периферийный характер исполнения. Их датировка хорошо определяется на основе специфических форм столо-



*Рис. 4. Ранние типы поливной керамики и стекла импортного и местного производства*

вых кружек с высокими бортиками – второй половиной VIII в. Ещё большей конкретизации хронологии находок способствует образец поливного блюда имеющего отношение к импорту из Самарры, а также три фрагмента донца стеклянных сосудов, на основе параллелей по Самаркандскому Согду, уверенно датируемых второй половиной – концом VIII в. В целом же, как сами грубо исполнявшиеся формы керамики, так и впервые засвидетельствованная в Бухарском оазисе поливная посуда и стеклянные изделия, свидетельствуют об эпохе переходной от раннего к развитому средневековью, на грани коренных, революционизирующих преобразований в экономике и культуре, с массовым внедрением в быт населения поливной керамики и стекла.

#### **Использованная литература**

- Ахунбабаев Х.Г., Соколовская Л.Ф.** Керамические комплексы Афрасиаба конца VII–VIII вв // ИМКУ. Вып.27. Самарканд.1996.
- Бердимуратов А.Э., Самибаев М.К.** Результаты раскопок храма на Джартепа II // ИМКУ. Вып.26. Ташкент. 1992.
- Шишкина Г.В.** Глазурованная керамика Согда (вторая половина VIII – начало XIII в.). Ташкент. 1979.
- Шишкина Г.В.** Ремесленная продукция средневекового Согда. Ташкент. 1986.
- Распопова В.И.** Стеклянные сосуды из Пенджикента (находки 1950-1999 г.). Санкт-Петербург. 2010.
- Мухамеджанов А.Р., Семёнов Г.Л.** Химическая лаборатория в Пайкенде (Работы на «центрально» раскопе в Пайкенде в 1982-1983гг.) // ИМКУ. Вып.20. Ташкент. 1986.



## КЕШ-ШАХРИСАБЗ ХУДУДИДА ШАХАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ХУСУСИДА

© 2011. А.А. Раймкулов, Г.Х. Сиддиқова

*ЎзР ФА Археология институти, Тошкент архитектура қурилиш институти*

Шахрисабз шаҳрида Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан бунёд этилган тенгсиз меъморий обидаларга, қолаверса шаҳар тарихига қизиқиш 1870 йилларда подшо Россияси томонидан Туркистон генерал-губарнаторлиги ташкил этилгандан кейин бошланган. Шахрисабзга дастлаб ташриф буюрган табиатшунос А.Л. Кун (1870 йил), Туркистон хаваскор археологлар тўғараги аъзолари В.Н. Литвинов (1895-1910 йиллар), И.А. Кастанье (1916 йил) сураткаш Г.Е. Кривцов, топограф Н.Ф. Ситняковский, ёзувчи В.В. Крестовский бу шаҳарда ўзлари кўрган меъморий обидалар тўғрисида умумий маълумотлар қолдиришган холос.

Кеш тарихига илмий тарзда ёндашишга биринчи бўлиб машхур шарқшунос олим В.В. Бартольд киришган (Бартольд, том I. С. 188; С. 191-196; том II, ч. 2. С. 423-454).

1925 йилда Шахрисабзга шарқшунос В.В. Бартольд, археолог-шарқшунос В.Л. Вяткин, тарихчи-санъатшунос Б.Н. Денике, немис санъатшуноси Э. Кон-Винерлар ташриф буюришган. 1926 йилда бу шаҳарга А.Ю. Якубовский илмий сафарга келган ва олим томонидан биринчи марта унинг тарихий топографияси тадқиқ қилинган (Якубовский, 1940. С. 16-19).

1927 йилда Шахрисабзнинг тарихий-меъморий ёдгорликлари архитектор Б.Н. Засипкин томонидан ўрганилган (Засипкин, 1928. С. 252-67). 1930 йилларда Шахрисабзнинг ёдгорликлари Я.Ф. Фуломов, Т.М. Мирғиёзов, С.К. Кабановлар томонидан тадқиқ этилган. 1940 йилда архитекторлар В.Л. Воронина ва Г.Н. Гачановлар шаҳардаги оддий аҳолининг XIX асрга оид турар-жойлари ва масжидларини тадқиқ этиш ва уларнинг планларини олиш ишлари билан шуғулландилар.

1942 йилда М.Е. Массон ва Г.А. Пугаченковаларнинг Шахрисабз худудида олиб борган тадқиқотлари туфайли шаҳар тарихини том маънода илмий жиҳатдан ўрганиш бошланди (Массон, Пугаченкова, 1953; Массон, 1977). М.Е. Массон ва Г.А. Пугаченковалар шаҳарнинг тарихий топографиясини ўрта асрлар ёзма манбалари маълумотлари билан солиштириб, ёзма манбаларда тилга олинган Кеш шаҳри ҳозирги Китоб шаҳри ўрнидаги Қаландартепа ўрнида бўлганлигини исботладилар. Кейинги йиллардаги археологик қазишмалар бу илмий фикрларни тасдиқлашга хизмат қилди (Массон, Пугаченкова, 1953. С. 17-85).

1946-1948 йилларда С.К. Кабанов Қашқадарёнинг юқори оқими худудида археологик кузатиш ва қазишма ишлари олиб борди (Кабанов, 1955. С. 77-114).


1948 йилда этнограф олима О.А. Сухарева Шахрисабзнинг шаҳар маҳаллалари ва гузарлари жойлашуви, шаҳарнинг тарихий топографияси шаҳар аҳолисининг этник қатламлари устида тадқиқотлар олиб борди (Сухарева, 1958. С. 128-139).

Шахрисабз шаҳрини махсус археологик тадқиқотлар воситасида ўрганиш, асосан 1963 йилдан, М.Е. Массон томонидан Кеш археологик топографик экспедицияси

ташкил этилгандан кейин бошланди. Бу экспедиция аъзолари С.Б. Лунина, З.И. Усманова, Н.И. Крашенинникова, Г.Я. Дресвянская, А.С. Сагдуллаев, Н.П. Столярова, О.Н. Лушпенко томонидан Қашқадарё воҳасининг юкори қисмида жойлашган қадимги, антик, илк ўрта асрлар ва ўрта асрларга оид археологик ёдгорликларни комплекс тадқиқ этиш ишлари давом эттирилди (Усманова, 1990. С. 11; Лунина, 1990. С. 7-9). Бу экспедиция томонидан 1965-66 йилларда Қарши воҳасида ҳам кенг қамровли археологик тадқиқотлар ва кузатув ишлари амалга оширилди (Массон, 1973).

1982 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) Ўрта Осиё археологияси кафедраси профессор-уқитувчилари, Қашқадарё археологик – топографик экспедицияси (КАТЭ) аъзолари Шаҳрисабз шаҳрининг бир нечта жойида археологик қазिशмалар олиб бордилар. Мана шу археологик тадқиқотлар даврида ушбу сатрлар муаллифига Оксарой бош пештоқининг шимолий томонида сақланиб қолган Шаҳрисабзнинг шимолий мудофаа деворларида қазिशмалар олиб бориш вазифаси юклатилди. Бу ерда мудофаа девори 10 м узунликда сақланиб қолган ва тадқиқотлар деворнинг шарқий қисмида уни қўнданганга кесиш эвазига солинган кесма усулида олиб борилди. Бу ерда девор қолдиқларининг баландлиги 7,5 м.ни, қалинлиги эса маданий қатламларнинг оқмалари билан бирга 12 м.ни ташкил этади. Кесма тоза ер қатламигача қазиб тушилди. Деворнинг юкори қисмида 2 м баландликда гувалақдан қилинган таъмир девор мавжуд. Мудофаа деворининг ядросини қалинлиги 9-20 см бўлган қатламли пахсадан урилган девор ташкил этади ва бу девор XIX ярусгача давом этган. Деворнинг остида қалинлиги 120-130 см бўлган қаттиқ, пойдевор ҳолатига келтириш учун махсус шибаланган тупроқ қатлами мавжуд. Пойдеворнинг остида эса оч малла рангли, қалинлиги ўртача 1 м бўлган маданий қатлам мавжуд бўлиб унинг таркибидан X-XII асрларга оид кулолчилик идишларининг парчалари топилди. Бу маданий қатламнинг остида эса тоза ер қатлами мавжуд. Деворнинг эни унинг қуйи қисмида 7 метрни ташкил этади. Биз томонимиздан олиб борилган ушбу тадқиқотларнинг натижалари, кейинроқ экспедиция раҳбарлари томонидан чоп этилган (Дресвянская, Лунина, Султанов, Усманова, 1993. С. 19).

1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ЎЗР ФА Археология институти ходимлари Шаҳрисабз шаҳрининг марказий майдонида археологик қазишма ишлари олиб бордилар (Раимкулов А.А., Сулейманов Р.Х. и



*Шаҳрисабзнинг схематик плани  
(Тузувчилар: М.Е. Массон ва З.И. Усманова)*

др., 1996). Қазишма майдонининг ҳажми 40x20 м.ни ташкил этади. Қазишма майдонида турли ўлчамларга эга бўлган пишиқ ғиштлардан бунёд этилган пойдеворлар қолдиқлари топилди. Ушбу пойдеворларнинг умумий жойлашуви бу ердан кўча ўтганлиги тўғрисида маълумот беради. Унинг узунлиги 30 метрдан ортиқроқ. Унинг атрофида, кўчанинг икки тарафида уй-жойлар қолдиқлари мавжуд.

Очилган меъморий қолдиқларнинг жануб томонида ер сатҳидан 2 м чуқурликда шарқдан ғарбга қараб оққан ва шимолий-ғарбга қараб оҳиста бурилган қадимий ариқ қолдиқлари топилди. Ариқнинг сақланиб қолган узунлиги 10 м.дан ортиқроқ, кенглиги эса 55 см. Ариқнинг икки ён деворлари 39,5-31x20-17x7-4 см, 21-23x21-23x4 см ўлчамлардаги пишиқ ғиштлардан терилган. Ариқнинг ичидан ҳам маълум миқдорда сопол идишларнинг парчалари топилди ва улар воситасида ушбу ариқ XIII аср билан даврланиб, ундан чиғатойлар ва темурийлар даврида шаҳарни сув билан таъминлашда кенг фойдаланилган.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, ариқнинг йўналиши кейинги асрларда Кеш-Шаҳрисабзга кесиб ўтган Хўжа Муродбахш ариғининг йўналишига мос келади (Массон, Пугаченкова, 1953. С. 33, рис. 1). Бу уйғунлик XIII асрда қазилган ариқ ҳам, кейинчалик қазилган Хўжа Муродбахш ариғи ҳам шаҳарнинг ер сатҳи ҳисобга олинган ҳолда бунёд этилганлигини кўрсатади.

Орадан ўн йил ўтиб 2006 йилда бу ҳудудда археологик тадқиқотлар яна йўлга қўйилди ва Оқсарой пештоқининг сақланиб қолган қисмидан тахминан 50 м шарқ томондаги майдонда кенг миқёсда археологик қазишма ишлари олиб борилди.

2006 йилда қазилган шурфнинг қуйи қатламларидан XI-XII асрларга оид 60-70 см қалинликдаги маданий қатлам ва унинг ичидан кулоллик идишларининг топилиши Кеш-Шаҳрисабз тарихига оид бир қатор муаммоларнинг ойдинлаштирилишига хизмат қилиши мумкин.

2006 йилги қазишмалар даврида, яъни 1996 йил қазишма ўтказилган жойдан 200-250 м шимол томонда айнан мана шу даврга оид маданий қатламларнинг учраши бу ерда қорахонийлар даврида кенг майдонни эгаллаган йирик аҳоли пункти мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Бу аҳоли пункти ўрта асрларда ҳозирги Шаҳрисабз ўрнида қад ростлаган Кеш шаҳрининг харобаларими, ёки кейинчалик Кеш шаҳрининг барпо этилишига асос бўлган йирик қишлоқ қолдиқларими, ҳозир мана шу тўғрида, ҳамда Кеш шаҳрининг шаклланиши ва даврий ривожланиши тарихи тўғрисида қисқача фикр юритсак.

Ҳозирги Китоб шаҳридан ғарбда, Зарафшон тизмасидан оқиб келувчи Шўробсой бўйида Подаётқоттепа, Узунқир ва Сангиртепа номли йирик археологик ёдгорликлар мажмуаси мавжуд. Бу ёдгорликларда салкам ўттиз йилдан бери археологик қазишма ишлари олиб борилади (Лушпенко, 1988. С. 22-30; 1990. С. 24-29; 1997. С. 155). Олиб борилган узоқ йиллик археологик тадқиқотлар натижасида, бу ёдгорликлар Шўробсой бўйида эрамиздан аввалги VIII-VII асрларда шаклланган қадимий шаҳарнинг бизнинг кунларгача етиб келган харобалари эканлиги, қадимий Кешнинг шаҳар сифатидаги тарихи айнан мана шу ҳудуддан бошланганлиги маълум бўлди.

Эрамиздан аввалги III-II асрларда шаҳар таназзулга учрайди ва у ҳозирги Китоб шаҳри ҳудудидаги Қаландартепа ёдгорлиги ўрнида қайта қад ростлайди. Қаландартепада шаҳарларга хос бўлган, антик даврга оид маҳобатли биноларнинг қолдиқлари топилган. Қашқадарёнинг юқори қисми – Кеш воҳасининг асосий маркази бўлган бу шаҳар бу ерда IX-X асрларгача фаолият кўрсатганлиги аниқ,

лекин у ҳозирги Шаҳрисабз ўрнига айнан қайси асрда кўчганлиги масаласи ҳозиргача тамоман аниқлангани йўқ. Айрим олимлар Шаҳрисабз ўрнидаги шаҳар - Кеш XI-XII асрлардан бошлаб фаолият кўрсатган деган фикр билдирсалар, бошқа олимлар бу ерда шаҳар XIV – асрда пайдо бўлган деган фикрни олдинга сурадилар.

X асрда Кешга ташриф буюрган араб сайёҳи Ибн Хавқалнинг шаҳарга берган таърифича, «Кеш «куҳандиз», «ҳисна» ва «рабод» дан ташкил топган. Ундан ташқари яна бир шаҳар «мадина» рабод билан тутшиб кетган. Ички шаҳар куҳандиз билан биргаликда харобага айланиб кетган. Аҳоли ташқи шаҳарда яшайди. «Дар ал Имара», яъни ҳукумат уйи шаҳар ташқарисида, рабод эса ал Мусалла деган жойда, зиндон ва жомъе масжиди харобага айланган ички шаҳарда, бозорлар эса рабодда жойлашган. Шаҳарнинг барча иморатлари лойдан ва ёғочдан қурилган. Ички шаҳар деворларида қуйидагича номланган тўртта дарвоза бор. «Баб ал Ҳадид» - Темир дарвоза, «Баб Убайдуллоҳ» - Убайдуллоҳ дарвозаси, «Баб ал Қассарин» - Тозаловчилар дарвозаси, «Баб ал Мадина ад Доҳила» - Ички шаҳар дарвозаси. Ташқи шаҳар деворларида иккита дарвоза, «Баб ал Мадина ад Доҳила» - Ички шаҳар дарвозаси ва «Баб Баркнон» - Баркнон дарвозаси. Баркнон Кешга яқин масофада жойлашган қишлоқлардан бирининг номи.

Кешнинг шаҳар деворлари яқинидан иккита дарё оқиб ўтган. Улардан бири «Наҳр ал Қассарин» - Тозаловчилар дарёси номи билан аталадиган бу дарё Сийам тоғларидан оқиб келади ва Кешнинг жанубий дарвозаси яқинидан оқиб ўтади. Иккинчи дарё «Наҳр Асруд» номи билан аталади ва у Қашқруд рустоқи томондан оқиб келади. Бу дарё шаҳарнинг шимолий дарвозаси яқинидан оқиб ўтади.

Кешга ташриф буюрган бошқа бир араб сайёҳи ал Муқаддасийнинг маълумотига кўра, шаҳар «куҳандиз», «мадина», «ички рабод» ва унга туташган ташқи рабоддан ташкил топган. Куҳандиз ички шаҳарда бўлиб хароба аҳволга келиб қолган, жомъе масжиди ҳам ички шаҳарда жойлашган ва у Самарқанд жомъе масжидидан кейин Суғддаги энг чиройли масжиддир (Камалиддинов, 1996. С. 18).

Ўрта асрлар сайёҳларининг бу маълумоларини Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарлари топографиясига тадбиқ этиб бу таърифлар ҳозирги Китоб шаҳрининг географик жойлашувига тамоман мос тушишини англашимиз мумкин. «Наҳр ал Қассарин» - “Тозаловчилар дарёси” номи билан аталадиган дарё бу ҳозирги Оксув дарёси бўлиб шаҳарнинг жанубий дарвозаси яқинидан, иккинчи дарё «Наҳр Асруд» - Қашқадарё эса шаҳарнинг шимолий дарвозаси яқинидан оқиб ўтган.

Араб сайёҳлари томонидан таърифланган ҳозирги Китоб шаҳри ўрнидаги Кеш шаҳрининг инқирозга учраши, унинг мадинаси ва аркининг бузилганлиги билан бошланган бўлса, бу жараён сомонийлар давридан бошланганлигини илғаш мумкин. М.Е. Массон Кешнинг инқирозга учраши сабабларини кўпроқ Муқанна кўзғолони билан боғлайди. Чунки бу кўзғолоннинг энг қайноқ нуқтаси мана шу шаҳар эди ва ушбу халқ ҳаракатининг бостирилиши жараёнида бу шаҳар вайрон этилган ва кейинчалик яна тикланган. Сомонийлар даврида ислом дини давлатнинг расмий динига айлангандан кейин ҳам Кеш шаҳри ва унинг атрофларидаги қишлоқлар аҳолисининг маълум қисми Муқаннанинг издошлари сифатида унинг динини очикчасига давом эттирганлар. М.Е. Массоннинг фикрича, ислом дини хомийси бўлган сомонийлар учун бу «исёнчилар шаҳри» қутилмаганда катта муаммо туғдириши мумкин бўлган ва шунинг учун ҳукмрон сулола подшолари кешни иқтисодий ҳамда сиёсий жиҳатдан инқирозга учрашидан манфаатдор бўлганлар. Мана шу ҳолат унинг инқирозига сабаб бўлган (Массон, 1977. С. 27-29).



Ҳозирги кунда археология ва тарихшунослик фанларидаги жиддий муаммолардан бири – Кеш шаҳрининг ҳозирги Шаҳрисабз шаҳри жойлашган ҳудудга қайси даврда кўчганлиги масаласидир. Шунинг учун шаҳарлар тарихи билан шуғулланган барча олимлар бу масалага жиддий қараганлар ва ўз муносабатларини билдирганлар. М.Е. Массон ва Г.А. Пугаченковаларнинг фикрларига кўра, Шаҳрисабз ўрнидаги қишлоқ (шаҳар - Р.А.) бу ерда XIII асрдан кейин пайдо бўлган (Массон, Пугаченкова, 1953. С. 21). Бошқа бир олимнинг фикрича, Шаҳрисабзнинг мудофаа деворлари Амир Темур томонидан бунёд этилган (Смирнова, 1969. С. 47). Ҳофизи Обрунинг берган маълумотига кўра Амир Темур шаҳар деворларини қуришга киришганда бу ерда эски мудофаа деворларининг қолиқлари ҳали мавжуд бўлган (Бартольд, 1963, том 8. С. 21). М.Е. Массон ва Г.А. Пугаченковалар мана шу маълумотлар асосида шаҳар деворлари қурилиши Амир Темурнинг буйруғига асосан 1378/79 йилларда олиб бажарилган деган фикрни илгари сурадилар (Массон, Пугаченкова, 1953. С. 30-32). Бу фикрни деворларни археологик жиҳатдан тадқиқ этган бошқа мутахассислар гуруҳи ҳам қувватлайдилар (Дресвянская, Лунина, Султанов, Усманова, 1993. С. 26-27). Ш.С. Камалиддиновнинг фикрича, шаҳар деворлари XI-XII асрларда Қорахонийлар даврида қурилган бўлиши мумкин. Кеш (Китоб) дарвозаларидан бири Боб Баркнон деб аталган ва бу дарвоза шаҳарнинг жанубий-ғарбий қисмида бўлиб ундан Насаф ва Термизга қараб савдо йўли чиққан. Мана шу йўл устида шаҳарга яқин масофада Баркнон жойлашган. Шаҳар дарвозаси қишлоқ номи билан аталиши (Насафдаги Ғубдин дарвозаси ҳам Ғўбдин қишлоғи шарафига аталганлигини эслаш кифоя – Р.А.) бу қишлоқнинг жуда йирик бўлганлигидан далолат беради. Ш.С. Камалиддиновнинг фикрига кўра, Баркнон ҳозирги Шаҳрисабз ўрнидаги йирик қишлоқ бўлиб у дастлаб Кеш (Китоб) нинг «йўлдош шаҳарчаси» бўлган ва кейинчалик, Шаҳрисабз Кеш мана шу қишлоқ асосида шаклланган (Камалиддинов, 1996. С. 12-23). Йирик савдо йўли устида жойлашган бу қишлоқ аста секинлик билан йирик савдо ва хунармандчилик марказига айлана бошлаган, XI-XII асрларда унда жоме масжиди қурилган. Ҳозирги Кўк гумбаз масжиди пойдеворлари тагидан топилган пишиқ ғиштдан қурилган маҳобатли меъморий иншоот қолдиқлари (Усманова, Сагдуллаев, 1981. С. 3-13).

Мана шу даврда Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларида намозгоҳлар қуриш ҳам расм бўлган. Бир қатор диний байрамларда бутун шаҳар халқининг бир вақтда намоз ўқиши учун шаҳар ичидаги жоме масжидлари торлик қилганлиги, учун бундай иншоотларга эҳтиёж туғилган. Кеш-Шаҳрисабз ҳам йирик шаҳарга айланганлиги учун бу ерда ҳам намозгоҳ бунёд этилган. М.Е. Массон ва Г.А. Пугаченковаларнинг фикрларича, Кеш-Шаҳрисабз намозгоҳи XIX асрда фаолият кўрсатган намозгоҳ ўрнида, Китоб дарвозасидан (Оқсаройнинг рўпарасида) ярим километр шимолда, бу ерда жойлашган Баландтепа атрофида бўлган. 1980 йилларда Баландтепада зардуштийлик ибодатхонасининг қолдиқлари топилган, лекин бу ерда ўрта асрлар қатламлари йўқ (Усманова, Бахшицян, 1988).

Ушбу шаҳарда узоқ йиллар мобайнида археологик қазилмалар олиб борган З.И. Усманоунинг фикрига кўра, Шаҳрисабз шаҳрига мўғуллар ҳукмронлиги даврида асос солинган (Усманова, 1983. С. 208-215). Шунинг учун, Шаҳрисабз шаҳри ҳудудида З.И. Усманова томонидан қўлга киритилган натижаларни батафсилроқ таҳлил қилиш лозим. Тадқиқотчининг маълумотларига кўра, Кеш-Шаҳрисабзнинг мудофаа деворлари X-XII асрларга оид археологик материалларга эга бўлган

маданий қатламлар устига бунёд этилган. Бу даврга оид маданий қатламлар шаҳарнинг шарқ томондаги Қалмоқ дарвозаси атрофидаги шаҳар деворлари тагидан, ғарб томондаги Кушхона дарвозаси яқинидаги миноралар оралиғидан солинган кесмалардан, ҳозирги Кўк гумбаз масжиди жойлашган худудлардан ва бошқа кўплаб ўринлардан топилган. «Шундай қилиб Шаҳрисабзнинг ғарбий, шимолий ва шарқий мудофаа деворларидаги кесмалар, тозалашлар деярли бир хил манзарани кўрсатадилар. Дастлабки девор горизонтал, қалинлиги 7-15 см бўлган қатламли пахсадан қурилган ва у X-XII асрларга оид археологик материалларга эга бўлган маданий қатламлар устига турибди. Бу деворда кейинги даврларга оид материаллар учрамайди ва қатламли пахса девор остида ҳам қадимийроқ бирор иншоотнинг қолдиқлари йўқ ва қатламли пахса деворни 1378/79 йилларда Темур томонидан қурилган девор деб ҳисоблаш мумкин» (Усманова, 1983. С. 213) (рус тилида чоп этилган мақоладан таржима бизники – Р.А.). З.И. Усмановнинг бундай хулосага келишига Шаҳрисабз деворлари орасидан 1361/62 йилларда Хайр Пўлат томонидан Янги Саройда зарб этилган танга (пул)нинг топилиши асос бўлган. Шаҳрисабз мудофаа деворларидаги лентали пахса ичидан X-XIII асрларга оид археологик материаллар учраган (Усманова, 1977. С. 106).

Бу ўринда Ҳофизи Абрўнинг Амир Темур шаҳар деворларини қуришга (яъни таъмирлашга – Р.А.) киришганда бу ерда эски мудофаа деворларининг қолдиқлари мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги маълумотини яна бир марта эслаш жуда ҳам муҳим (Бартольд, 1973, т. 8. С. 92). М.Е. Массоннинг фикрича, Амир Темур томонидан Шаҳрисабз ҳисорининг деворлари қурилаётганда Самарқанддаги каби эски шаҳар деворлари қолдиқларидан фойдаланилган бўлиши мумкин (Массон, 1977. С. 12). 1361/62 йилларда зарб қилинган танга Шаҳрисабзнинг мўғуллар даврида бузилган девори таъмирланиши даврида ҳам тушиб қолган бўлиши мумкинлигини тахмин қилган ҳолда, яна бир янги фикрни илгари суришга имкон яратади. Бизнинг фикримизча, Амир Темур даврида Кеш-Шаҳрисабз деворларини таъмирлашда Хоразмшоҳлар даври мудофаа деворлари қурилиши усули-қатламли пахсадан фойдаланилганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Амир Темур даврида Самарқанд ва бошқа шаҳарларда қурилган мудофаа деворларининг бирортасида ҳам қатламли пахса ишлатилмаган, демокчимизки, қатламли пахса Амир Темур ва темурийлар даври учун умуман хос эмас.

Бизнинг фикримизча, Кеш-Шаҳрисабзнинг кенгайиб шаҳарга айлана бошлаши жараёни X асрдан, яъни сомонийлар даврининг охирларидан, асосан қорахонийлар давридан бошланганлиги ҳақиқатга яқин. Шаҳрисабз шаҳридаги Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган Кўк гумбаз масжиди атрофларида, унинг ичида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида, ушбу масжид тахминан XII асрда пишиқ ғиштлардан бунёд этилган ва кейинчалик бузилиб кетган маҳобатли бир иморатнинг харобалари устига қурилганлиги аниқланди (Дресвянская, Лунина, Султанов, Усманова, ч. II, 1993. С. 44-45). XII асрда пишиқ ғиштлардан бунёд этилган бу маҳобатли иморат қорахонийлар ёки XIII аср бошларида хоразмшоҳлар томонидан бунёд этилган ва мўғуллар ҳукмронлиги даврида вайронага айланган масжиднинг харобалари бўлиши ҳам мумкин. Пишиқ ғиштлардан қурилган маҳобатли масжид албатта жомъе масжиди бўлиши мантиқан ҳақиқатга яқин ва бундай катта масжидлар албатта йирик қишлоқларда ёки марказий шаҳарларда фаолият кўрсатадилар.

Бу ўринда, шу пайтгача тадқиқотчилар назаридан четда қолаётган ғоятда муҳим жихатга – Кеш–Шаҳрисабз шаҳри мудофаа деворларининг қурилиш услубига эътибор қаратиш лозим. Шаҳар деворларида ҳозир ҳам кўзга яққол ташланиб турадиган ҳолат - уларнинг қатлам-қатлам лентали пахсадан бунёд этилганлигидир. Амир Темур даврида мана шундай лентали пахсадан шаҳар мудофаа деворлари қуриш усулидан фойдаланилмаган. Кеш–Шаҳрисабздаги мудофаа деворларидаги лентали пахса қатламларининг қалинлиги 7-15 см.ни ташкил этади. Лентали пахсадан бунёд этилган деворлар Самарқанднинг қадимий ўрни бўлмиш Афросиёбда қазиб ўрганилган бўлиб, лентали пахсадан шаҳристоннинг кўш мудофаа деворлари таъмирланади, кўш деворнинг жанубида учинчи кўшимча девор урилади. Деворнинг шарқий ташқи юзаси бўйлаб йирик кесилган қамиш ва лентали пахса қаватма-қават ётқизиблиб таъмир девори қопланади. Қазишмалар муаллифининг фикрига кўра, бу деворлар ва таъмир деворлар XIII асрнинг бошларида, яъни хоразмшоҳлар даврида бунёд этилган (Пачос, 1965. С. 27-29).

Ундан ташқари Афросиёбда шаҳристоннинг жануб томондаги учинчи девори, арк деворларига қурилган бурж-минораларнинг айримлари айнан мана шу пахсадан бунёд этилган ва уларнинг қурилиши XIII асрнинг бошларига, Хоразмшоҳ Муҳаммад даврига тўғри келади (Буряков, Ташходжаев, 1975. С. 9). 1977-1979 йилларда олиб борилган археологик қазишмалар натижасида олинган маълумотларга кўра, Самарқанд (Афросиёб) аркининг ташқи мудофаа деворлари XII аср охири XIII аср бошларида, яъни Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида тубдан таъмирланган ва унинг бутун периметри бўйлаб 6 м қалинликда лентали пахсадан мудофаа девори урилган (VIII-девор). Пахса қатламларининг қалинлиги мудофаа деворининг ҳамма жойида 15 см.ни ташкил этади (Иневаткина, 1983. С. 76-90). Бундай қатъий тартибда қурилиш бошқа марказий шаҳарлардаги таъмирлаш ишларида кўзга ташланмайди ва бу ҳолат Самарқанддаги қурилишлар махсус режа асосида олиб борилганлиги ва қатъий назорат қилинганлигидан далолат беради.

Хоразмшоҳлар сулоласи даврида Самарқанд шаҳристонининг эски деворлари қайта тикланган (Массон, 1973. С. 39), шаҳарнинг жоме масжиди ҳам тамоман қайта қурилган ва унинг узунлиги 137 м.га етган. Масжид шу даражада тубдан таъмирланганки, замондошлари бу ерда янги масжид қурилди, - деб гапириб юрганлар (Буряков, Ташходжаев, 1975. С. 12).

Мана шундай лентали пахса деворлар воситасида Насафнинг қадимий ўрни бўлмиш Шуллауктепа аркининг мудофаа деворлари ҳам бунёд этилган бўлиб, пахса қатламларининг қалинлиги 10-25 см.ни ташкил этади. Қазишмалар муаллифи Б.Д. Кочневнинг маълумотига кўра бу деворлар аркнинг мудофаа деворлари бўлиб қалинлиги 1,75 м ва уларнинг таркибидан XI-XII асрларга оид кулоллик идишларининг парчалари топилган (қазишмалар ҳисоботлари ЎзР ФА Археология институти архивида сақланади – Р.А.). Шу ҳолатга эътиборни жалб этиш лозимки, деворларда XI-XII асрларга оид кулолчилик идишларининг парчалари мавжудлиги бу деворлар XII асрдан кейин бунёд этилганлигини кўрсатади. Бу ҳолат эса ўз-ўзидан бу деворлар хоразмшоҳлар даврига оид эканлигини кўрсатади. Хоразмшоҳларни Мовароуннахрнинг марказий ҳудудларида давом этган қисқа вақт ҳукмронлиги ҳам уларга Самарқанд, Насаф ва Кеш шаҳарларида катта-катта қурилишларни ниҳоясига етказишларига имкон берган.

Хоразмшоҳлар сулоласи даврида Бухорода ҳам катта қурилишлар бўлган. Тамғочхоннинг буйруғи билан Бухоро шаҳри эски деворининг ташқарисидан девор урдилар (ҳижрий 560 - милодий 1164-1165 йй.), у ҳам вайрон бўлди. Олти юз тўртинчи йили (1207-1208 йй.) Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Султон Такаш Бухорони олди ва яна сиртдан девор уришга буюрди; иккала деворни янгиладилар. Олти юз ўн олтинчи йили (1219-1220 йй.) татар лашкари келиб Бухорони олди ва у деворлар яна вайрон бўлди“ (Наршахий, 1991. 113-б.). Бу маълумотлар Наршахийнинг асарига кейинги асрлардаги тахрирлар даврида киритилган бўлса керак.

Хоразмшоҳлар сулоласи даврида бир қатор марказий шаҳарлар қурилишидаги имкониятнинг асосий сабаби албатта биринчидан, давлатнинг иқтисодий қудрати бўлса, иккинчидан, айнан улар даврида кенг расм бўлган ўзига хос қурилиш усули – юпка, қатламли пахсадан фойдаланишдир. Қатламли пахса, айниқса Кеш-Шаҳрисабз мудрофаа деворлари қурилишида унинг 7-15 см қалинликдаги қатламидан фойдаланиш бу деворларни узоғи билан бир-икки йилда тўлиқ қуриб битиришга имкон беради. Чунки ерга ёзилган бу қалинликдаги пахса қатлами бу ҳудуддаги жазирама иссиқ ҳавода бир ёки икки кунда қурийдди. Бир гуруҳ пахсакашлар деворнинг иккинчи қатламини ётқизганлар. Улардан 50-60 м чамаси орқадаги пахсакашлар гуруҳи пахсанинг учинчи қатламини, ундан яна 50-60 м орқадаги бошқа бир гуруҳ эса тўртинчи қатламни ётқизиб келаверганлар. Мана шу тариқа Кеш-Шаҳрисабз мудрофаа деворлари қурилиши шаҳарнинг барча ўринларида бир пайтда олиб борилган ва қисқа муддатларда қуриб битирилган. Бизнинг фикримизча, пахса қатламли текис цилиндр шаклида йўнилган махсус ёғоч-каток воситасида шиббаланиб текис ёйилган.

Бу усулда Хоразмшоҳлар даврида бунёд этилган ёки таъмирланган деворлар факатгина Самарқанд, Бухоро, Насаф ва Кеш каби йирик шаҳарларидагина учраши, бундай пахса деворлар бу даврга оид қишлоқларда деярли қайд этилмаганлиги бу сулола даврида асосий эътибор, албатта, шаҳарларга, уларнинг мудрофаа тизимларини мустаҳкамлашга қаратилганлиги ҳам фикримизни қувватлашга хизмат қилади.

Қорахонийлар даври қатламли билан доимо бирга сомонийлар даври пишиқ ғиштларининг учраши Шаҳрисабз шаҳри ҳудудида Сомонийлар сулоласи давридан бошлаб катта майдонни эгаллаган йирик қишлоқ шакллана бошлаганлигидан далолат беради, чунки Шаҳрисабзнинг мудрофаа деворларида сомонийлар даври ғиштлири учрамайди. Лекин Сомонийлар даври қишлоғининг мудрофаа деворлари бу ҳудудда учрамаган, чунки бу қишлоқ мудрофаа девори билан ўралмаган бўлиши ҳам мумкин.

1973 йилда Ўзбекистон ФА археология институтининг Р.Ҳ. Сулаймонов бошчилигидаги экспедицияси жанубий Суғднинг антик давр шаҳарлари, жумладан Ерқўрғон ва Қалъаи Заҳхоки-Марон ёдгорликларида иш бошлайди. Шаҳарнинг кулоллар, темирчилар маҳаллалари очиб ўрганилади. Илк бор антик давр сопол идишлар ишлаб чиқариш усуллари археологик материаллар асосида тиклашга ҳаракат қилинади (Туребеков, 1990. 17-19 бетлар).

1971-1972 йилларда Таллисортпеда, 1973-1974 йилларда Шуллауктепада ва 1981 йилда Косонтпеда археологик ишлар олиб борилган.

Охириги йилларда Афросиёбнинг ҳоким саройида олиб борилган кенг қамровли археологик қазиш ишлари Мовароуннахрнинг қорахонийлар даври моддий маданиятини ўрганишда бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилди. Жанубий Суғд ҳудудидаги Олтинтепада олиб борилган қазиш ишлари эса IX-XII асрларда бу ерда ҳунармандчилик соҳаларининг юксак даражада ривож топганлигини кўрсатди. Қазишмалар натижасида қўлга киритилган кулоллик маҳсулотларидан хум, кўза, тувак, товоқ, қозон ва бошқа шу каби идишлар кўплаб топилган. Уларнинг айримлари қизил ангоб билан, елка қисми чизиқли нақшлар билан безатилган. Шубҳасиз, барча шу турдаги кулоллик маҳсулотлари Олтинтепада ишлаб чиқарилган (Лунина, 1984. С. 80). Топилган ашёвий далиллар бу ерда металлсозлик ва шишасозлик ҳам анча ривожланганлигини кўрсатади. Маҳаллий ҳунармандлар афтидан, турли хил кўринишдаги тақинчоқлар ҳам тайёрлаганлар (Лунина, 1984. С. 87).

Умуман олганда Олтинтепада X-XII асрларда кўпгина ҳунармандчилик соҳалари ривож топганлигини бу ерда олиб борилган қазишмалар натижалари кўрсатиб берди.

Олтинтепа дастлаб V-VI асрларда унча катта бўлмаган қишлоқ сифатида вужудга келади, VII-VIII асрларда шаҳарнинг майдони ўсиб умумий майдони 40 гектарни, унинг марказидаги арк қисми 2,5 гектарни ташкил этган. Кулоллик буюмлари асосида стратиграфик қатламлар даврий санаси ишлаб чиқилган. Олтинтепа Кеш воҳасидаги нисбатан мукамал ўрганилганнинг ўрта асрлар шаҳар харобаси ҳисобланади. Унда олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида, ёдгорликнинг арк-аълоси, шахристони ва хунармандлар маҳаллалари яхши ўрганилган.

Шундай қилиб, Жанубий Суғд марказий шаҳарларининг ўрганиш даражасини кузатиб қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин.

Самарқанд шаҳар топографиясини Афросиёб мисолида кузатадиган бўлсак, X-XI асрларда унинг ғарбий қисмида деярли инқирозга учраганлиги кузатилади. Маъмурий бинолар шаҳарнинг арк қисми кузатилади холос. Шаҳарнинг асосий ҳудуди ҳозирги эски шаҳар ўрнига кўчиб ўтади. Шу сабабли, қорахонийлар даври хунармандчилигини ўрганишнинг имкони йўқ. Шу маънода, Қаландартепа ва Шуллауктепаларнинг кўп қисми сақланмаганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унда Олтинтепани ўрта аср хунармандчилик тарихини ўрганишдаги аҳамияти янада яққол кўринади.

Безда ва Касба, шаҳарлари воҳанинг ғарбий чегара қисмида жойлашган иккинчи даражали савдо шаҳарлари ҳисобланиб, уларга хунарманчилик маҳсулотлари ички бозор учун мўлжалланган бўлиши керак. Бунга сабаб, уларнинг майдони нисбатан кичиклиги ва чегара ҳудудида жойлашганлигидир.

Шуллауктепа Насафнинг марказий шаҳри бўлганлиги ва савдо йўлларининг кесишган жойида эканлиги, хунармандчиликнинг юқори даражада ривожланганишига сабаб бўлган. Унинг рельефида кулоллар, шишасозлар ва темирчиларнинг маҳалалари кузатилади. Бундан ташқари ислом дунёсининг машҳур уламолари Насафийларнинг кўплиги шаҳарни Моварауннаҳрдаги илм маърифат ривожланган шаҳарлардан бири эканлигидан далолат беради. Бирок, кейинги йилларда шаҳар ҳудудида бунёд этилган катта ирригация тармоқлари ёдгорликни деярли кесиб ўтиб, кўп жойини яроқсиз ҳолга келтирган.

Кейинги йилларда Кеш ва Насафнинг ўрта аср шаҳар марказларида олиб борилган кенг қамровли археологик ишлар натижасида қўлга киритилган осори атиқалар асосида, хунармандчиликнинг турли соҳаларини ўрганиб уларни бир тизимга келтириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи деб ҳисоблаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

*Сулейманов Р.Х.* Древний Нахшаб. Ташкент, 2000.

*Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х.* Еркурган (стратиграфия и периодизация). Ташкент, 1984.

*Исамиддинов М.Х., Хасанов М.Х.* История древнего и средневекового керамического производства Нахшаба. Ташкент, 2000.

*Кабанов С.К.* Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-IV вв.). Ташкент, 1977.

*Кабанов С.К.* Культура сельских поселений Южного Согда III-VI вв. Ташкент, 1981.

*Ражабова Н.Н.* История изучения археологических памятников долины Кашкадарьи (к проблеме становления и развития археологической школы в Узбекистане). Автореф... дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 2006.

*Ханыков Н.В.* Описание Бухарского ханства. С-Пб., 1843.

*Берне А.* Путешествие в Бухару. М., 1850.

- Маев Н.А.* Очерки Бухарского ханства. Ташкент, 1875.
- Крестовский В.В.* В гостях у эмира Бухарского. С-Пб., 1887.
- Литвинов Б.Н.* Карши. Туркестанские ведомости. №114-116. 1910.
- Массон М.Е.* Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. Ташкент, 1973.
- Лунина С.Б.* Города Южного Согда в VIII-XII вв. Ташкент, 1984.
- Туребеков М.* Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согда (VII-VI вв. до н.э., VII в. н.э.). Нукус, 1990.
- Сагдуллаев А.С.* Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика) // Автореф.... дисс. док. ист. наук. М., 1989.
- Столярова Н.П.* Средневековая керамика Кашкадарьинского оазиса XI - нач. XIII вв. Ташкент, 1985.
- Шахрисабз.* Наследия тысячелетий. Ташкент, 2002.
- Шахрисабз.* Дресвянская Г.Я., Лунина С.Б., Султанов Х.Т., Усманова З.И. - Ташкент, 1993.
- Сулаймонов Р.Х.* Нахшаб - унутилган тамаддун сирлари. Ташкент, 2004.
- Ўзбекистон* тарихи. Тошкент, 2003.
- Камолитдинов Ш.С.* Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX—начала XIII вв. Ташкент, 1996.
- Раимкулов А.А, Хидирова Г.* Насаф-Қарши ўрта асрларда // ИМКУ. Вып. 35. Ташкент, 2007.

## ТАНҚИД ВА ТАҲЛИЛ

---

### КРИТИКА И БИБЛИОГРАФИЯ

#### **А. ОТАХЎЖАЕВ. ИЛК ЎРТА АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ТУРК – СУҒД МУНОСАБАТЛАРИ** (Тошкент. “ART FLEX”, 2010, 219 б.)

Ўрта Осиёнинг икки катта ва қадимий этноси туркийлар ва суғдийларнинг ўзаро, серкирра муносабатлари илдизи жуда қадимий бўлиб, уни камида милодий эрадан аввалги I минг йилликнинг ўрталаридан бошлангани ёзма ва археологик манбалар билан аниқланган. Мабодо, айти пайтда академик А. Асқаров томонидан илгари сўрилаётган “Андронova маданияти” соҳибларини туркий элатлар эканлиги ҳақида илмий ғоя тўлиқ ўз исботини топса, ушбу муносабатлар янада қадимийлашиб, унинг муқаддимаси бронза даври билан белгиланиши мумкин.

Милодий V-VIII асрларда содир бўлган иккинчи босқич турк – суғд муносабатларининг юксак чўққиси сифатида эътироф этилиши айти ҳақиқатдир. Чунки бу даврда Ўрта Осиёда бошқа бирорта этнос ҳар жабҳада туркийлар ва суғдийлар каби яқинлашган эмас. Илк ўрта асрларда бу икки этнос ўртасидаги аввало сиёсий, қолаверса ижтимоий – иқтисодий, моддий - маданий, этномаданий каби тарихий жараёнлар туфайли турк – суғд симбиози, яъни биргаликда, бир – бирига фойда келтирган ҳолда яшашдек, ўта ижобий ҳолат вужудга келди.

Суғд – турк муносабатларининг учинчи босқичи XI-XII асрларда, яъни қорахонийлар даврида Моворауннаҳрга кириб келган чигил, яғмо, тухси, халлож каби туркий халқлар миграцияси билан изоҳланади.

ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Азимхўжа Отахўжаевнинг “Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк – суғд муносабатлари” номи монографияси айнан турк – суғд муносабатларининг кульминацион чўққиси ҳисобланган иккинчи босқич бу икки этноснинг илк ўрта асрлардаги ўзаро, серкирра алоқалар тарихига бағишланган.

Монография кириш, III боб, 11 та параграф, ҳулоса, 600 дан зиёд адабиётлар рўйхати, турли жадваллар, хусусан, Суғд, Тоҳаристон, Уструшона, Чоч, Фарғона мамлакатларининг ёзма манбалар бўйича аниқланган мулк ва рустоклари, туркий ва суғдий мансаблар, унвонлар, нисбалар рўйхати каби иловалар, турк – суғд муносабатларига тааллуқли ҳужжат ва кўрғазмали қуроллар намуналаридан ташкил топган.

I боб. “ Марказий Осиёда турк - суғд муносабатларининг тарихий илдизлари” деб номланган бўлиб, мазкур боб 4 та параграфдан иборат. Ушбу параграфларда, турк – суғд симбиозида Буюк Ипак йўлининг тутган ўрни, Турк ҳоқонлигининг ташкил топиши ва ҳоқонлик тасарруфидаги туркий ва суғдий халқлар ўзаро муносабатларининг тарихий илдизлари, ушбу алоқаларнинг характерли хусусиятлари, эволюцияси, маънавий ва маданий ҳаёт, ўзаро таъсир, юз берган ўзгаришлар тарихи қаламга олинган.

I боб ва ундаги параграфлар номланишидан ҳам кўриниб турибдики, уларда кўтарилган барча масалалар бўйича узоқ йиллардан буён муайян тадқиқотлар



ўтказилган, маълум мақолалар, илмий асарлар яратилган. Чунки Суғд, эфталлийлар ва Турк ҳоконлиги тарихи ва археологияси билан XIX асрнинг сўнгги чорагидан мунтазам шуғулланиш бошланган бўлса, ўтган деярли 1,5 асрлик вақт давомида ушбу масалалар “теша тегмаган мавзу” мақомидан чиқиб улгурган. Муаллифнинг хизмати шубҳасиз, ушбу масалаларни муҳсул илмий муаммо сифатида тадқиқот объектига айлантиргани, уни бир тизимга солгани, яхлит ҳолга келтирганидир.

“Турк ҳоконлиги даврида Суғдда конфедератив давлат тизими ва маъмурий бошқарув тамойиллари” деб номланган II – боб ҳам 4 та параграфдан иборат бўлиб, ушбу параграфларда Биринчи Турк ҳоконлиги даврида Суғднинг маъмурий бошқарув тизими, Ғарбий Турк ҳоконлиги даврида маҳаллий ҳокимликлар ва уларнинг марказий бошқарув тизими, ушбу даврда Суғд маъмурий бошқарув тизимида юз берган ўзгаришлар (асосан туркий мансаб ва унвонларни вужудга келиши) Суғднинг ижтимоий сиёсий ҳаёти ривожидан туркийларнинг тутган ўрни каби масалалар кўтарилган.

Ушбу бобда айтиш жоиз бўлган ва янгилик деб кўзга ташланган нарса бу Турк ҳоконлиги тарихининг даврийлик меъзонларидан келиб чиққан ҳолда босқичларга бўлиниши ва номланишидир. Хусусан, Турк ҳоконлигининг ташкил топган ва қудратли давлатга айланган 552-603 йиллардаги фаолияти Биринчи Турк ҳоконлиги номи билан юритилган. Ҳоконликнинг тадрижий ривож ва бўлиниши натижасидаги “икки ҳоконлик”, яна эскича ҳолатда Ғарбий (603-742) Шарқий (603-744) сифатида барча боб ва параграфларда берилган. 522 – 603 йиллар орасидаги Турк ҳоконлиги фаолияти Биринчи Турк ҳоконлиги сифатида расман илмий-адабиётларида қабул қилингани, ҳақида муаллиф томонидан ишора йўқ. Назаримизда, бу анча муаффақиятсиз ишлатилган атама. Чунки мантиқан олинганда ҳам, Биринчи Турк ҳоконлигидан кейин тартиб билан иккинчи, учинчи ва ҳ.к. рақамли Турк давлатлари эътироф этилиши керак эди. Яъни, географик жойлашувига нисбат берилиб Ғарбий ва Шарқий ҳоконлик кўринишида эмас. Қолаверса, Биринчи Турк ҳоконлиги атамаси орқали ундан олдинги даврларда ўтган Хун давлати, Кушонлар салтанати соҳибларини туркийлар бўлгани ҳақидаги фикрларга раҳна солинади.

II бобда Турк ҳоконлигининг маъмурий бошқарув тизими, унда мавжуд бўлган мансаб, унвон ва нисбалар суғд ёзуви, урхун-енисей ёзувлари, 1952 йилда Муғулистондан топилган бугут ёзуви, хитой хроникалари ва ушбу масалаларга бағишланган илмий асарлар бўйича ўрганилган. Худди шу маънода Турк ҳоконлиги даврида Суғд маъмурий бошқарув тизими ўрганилиб, унда VII асрдан бошлаб маҳаллий ҳокимликларда туркий нуфуз ва мавқени кучайиши масалалари ёзма ва нумизматик материаллар асосида баён қилинган.

III боб “Араб истилоси ва халифалик даврида Мовароуннаҳрда кечган этник жараёнларда туркийлар ва суғдийларнинг роли” деб аталади ва мазкур боб араб истилосига қарши курашда суғд маҳаллий ҳокимлари ва турк ҳоконлиги иттифоқини вужудга келиши (651-715), суғд – турк қаршилиқ ҳаракатининг иккинчи босқичи (715-751), Мовароуннаҳрда халифалик ҳукмронлигини ўрнатилиши, Суғд конфедерациясининг тақдири, маҳаллий халқлар шаклланишида турк – суғд ассимиляциясининг ўрни каби 3 та параграфдан иборат. Мазкур боб ва ундаги параграфларда сосонийлар Эронининг қўлаши, арабларнинг Хуросонга, Ўрта Осиёга, Маймурғ, Тоҳаристон, Бухоро, Пайкент, Самарқандги юришлари, Қутайби иби Муслим истилоси, Самарқанд сулҳи, Диваштич кўзғолони ва Суғд конфедерациясининг барҳам топиши, ассимиляция масалалари ушбу бобда ёритилган.

Хулосада монографиянинг асосий мақсади юзасидан бажарилган ишлар бўйича атрофлича фикрлар жамланган.

А. Отахўжаевнинг монографиясида назаримда, илк ўрта асрлардаги турк – суғд муносабатлари етарли даражада очиб берилган. Бунда муаллифни меҳнати катта бўлиб, у 600 дан ортиқ (шундан 159 та хорижий) адабиётни кўриб чиққан ва шу асосида муайян ютуққа эга бўлган, Монографиянинг асосий ютуғи:

- Муаллиф турк – суғд муносабатларига алоҳида урғу бериб уни махсус ўрганиб мавзуга тегишли кичик воқеа ва ҳодисаларни ҳам кўздан қочирмай ушбу масалага йўналтира олган;

- Турк – суғд муносабатларини, нафақат Мовароуннахр ёки Ўрта Осиё, балки Марказий Осиё миқёсида ўрганишга ҳаракат қилган. Хитойдаги, Еттисувдаги суғд колониялари хусусиятлари етарли ва сўнгги маълумотлар асосида очиб берилган;

- 751 йилги Хитой агрессиясига қарши суғд, турк, араб қўшинлари ҳамкорликда, биргаликда жангги қизиқарли ва жонли мисоллар билан келтирилган;

- Араб истилосининг муваффақияти янги манбалар асосида изоҳланган ва таҳлил қилинган.

Бир сўз билан айтганда монографияда турк – суғд муносабатлари асосан дўстона кечган деган ғоя борки, эҳтимол бу ғоя бугунги кун сиёсати, ижтимоий ва маданий ҳаёти учун жуда ўринли ва керакли бўлган илмий янгиликдир.

Назаримизда, монографияда баъзи камчилик ва эътирозли ўринлар ҳам мавжуд. Хусусан, муаллиф 5 саҳифада... “туркий ва суғдий тилли аҳолининг ўзаро этномаданий алоқалари Марказий Осиё сиёсий харитасига муайян ўзгаришлар олиб кирди. Минтақада вужудга келган Турк ҳоконликлари бу муносабатнинг маҳсули эди”- деб ёзади. Ваҳоланки, Турк ҳоконлиги 522 йилда умуман бошқа географик кенгликда, бошқа сабаблар билан вужудга келгани бу даврда этномаданий алоқа ниҳоятда суғд бўлгани оддий ҳақиқатдир.

Шунингдек, 14 саҳифада ... “Фарғона ҳукмдори Алутар 715 йилда Қутайба ёрдамида тахтга чиққан” – деган фикрни келтирган ва О.И. Смирновага иқтибос берган. Муаллиф ушбу фикрни давоми сифатида ... “О.И. Смирновага асосланиб Ғ. Бобоёров Алутар ҳукмронлиги 700-720 йиллар деб аниқлик киритди ”- деб ёзади. Бу ўринда муаллифни ўзи ёзганидан Алутар Хўжанд жожеасидан сўнг яъни, 723 йилда арабларга қарши кураш олиб боргани, 726 йилда қўш ҳокимликка барҳам бергани ҳақида Ат – Табарийдан иқтибос келтиради, Хуллас, бу ерда бир – бирига зид фикрлар берилган.

30 саҳифада... “хатто антропологик жиҳатдан ҳам туркийлар мўғуллардан кескин фарқланади” - деган кескин жумла мавжуд. Қозок, қирғиз ва ўзбекларни баъзи, хусусан, кўнғирот, қипчоқ уруғларида ханузга қадар физиологик жиҳатдан монголоид белгиларнинг устуворлигини ҳисобга олсак муаллиф бундай қатъий фикрлардан чекланиши лозим эди.

Монографияга 50 дан ортиқ турли жадваллар, хариталар, тасвирий суратлар илова қилинган. Таассуфки, уларнинг бирортасига монография матнида ишора қилинмаган.

Назаримизда, монография бироз шошма-шошарлик билан нашрга топширилгандек, аслида китоб мазмуни, сифати ва дизайнини янада қиёмега келтириш мумкин эди. Истардикки, бу ишларни монографиянинг мукамал нусхаси қайта чоп этилаётганда, рус тилига ўгирилиб нашр қилинаётганда муаллиф эътибордан қочирмайди.

*М.Х. Пардаев*

## АХБОРОТ

### ХРОНИКА

#### “ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР ТАЛҚИНИДА”

мавзусидаги ёш олимлар илмий амалий конференцияси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши барча жабҳаларида бўлгани каби илмий тадқиқот институтларида ҳам бу борада самарали ишлар олиб боришга туртки бўлди. Шу муносабат билан, 2010 йил 26-27 ноябрь кунлари ЎзР ФА Археология институти жамоаси ва “Ёш олимлар кенгаши” ташаббуси билан “Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида” мавзусида Республика ёш археолог ва тарихчи олимларининг илмий анжумани ташкил этилди. Анжуманда юртимизнинг олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларидан ташриф буюрган 40 дан зиёд ёш олимлар билан бирга таниқли археолог, тарихчи олимлар иштирок этишди.

Анжуманни институт директори А.Э. Бердимуродов очиб берар экан, у конференция иштирокчиларини табриклаб, ўз нутқида мустақиллик даври ёш тадқиқотчиларнинг камол топиб ривожланишига катта туртки бўлганлиги ва ҳозирги фан тараққиётида ёшларга катта эътибор берилаётганлиги, бундай конференцияларнинг ўтказилиши ёшларни келажакда етук мутахассисларга айланиб, тарихимизнинг кам ўрганилган соҳаларини ўзларининг илмий ишлари билан бойитишларига ёрдам беришини таъкидлаб ўтди. Ундан сўнг сўзга чиққан ЎзР ФА академиги, А.А. Аскарлов ҳам ёш олимларни анжуман очилиши билан табриклар экан, Ўзбекистон археологияси ўз мактабига эга эканлиги, узлуксиз равишда ривожланиб келаётганлиги ҳамда бунда ёш тадқиқотчиларнинг ўрни муҳим бўлиб, улардан фақат изланувчанлик ва ўз соҳасининг билимдони бўлиш талаб қилинишини алоҳида қайд этиб ўтди. Академик сўзини давом эттирар экан, ёш тадқиқотчиларнинг фаолиятидаги энг аҳамиятли фазилат бу тадқиқотнинг туб моҳиятини кўрсата бера олиши, мустақил илмий позицияга эга бўлишга интилишидир. Зеро, мустақилликнинг бизга берган олий неъматларидан бири-эркин фикр юритишидир, деб ёшларни янгидан янги тадқиқотларга ундади. Кейин сўзга чиққан СамДУ профессори М.Ж. Жўракулов, ФарДУ профессори М.Ҳ. Исамиддинов, институтнинг етакчи илмий ходимлари М.Ҳ. Пардаев, А.А. Анорбоевлар ҳам анжуман иштирокчиларини табриклаб, ёшларга ўз тилаklarини билдириб ўтишди.

Шундан сўнг анжуманнинг асосий қисми бошланиб, юртимизнинг турли илмий муассаса ва олий ўқув юртларидан келган ёш олимлар учта - археология, тарих ва манба-шунослик ҳамда этнография шўьбаларига бўлинган ҳолда конференция ишини давом эттирдилар. Шунини ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, конференцияда нафақат, аллақачон фанда катта тажрибага эга бўлган, жамоатчиликнинг эътиборига тушган ёшлар, балки, илм йўлига эндигина дастлабки қадамларни қўйган ёш тадқиқотчи ва аспирантлар ҳам иштирок этишди. Бу эса ўз навбатида уларга тажриба орттириш ва илм-фан кўникмаларини ошириш имконини берди. Шу тўғрисида, конференциядаги ҳар бир маъруза иштирокчилар томонидан юқори баҳоланиб, қизғин баҳс ва муҳокамаларга сабаб бўлди. Хусусан, Археология шўьбасида О. Эргашев (СамДУ) томонидан қилинган

“Кўкаёз устахоналарининг ўрганилиш тарихи” мавзуидаги маърузада Кўкаёз ёдгорликлари хронологияси борасидаги янги фикрлари нафақат ёшлар, балки тош даврининг етук мутахассисларида ҳам катта қизиқиш ўйғотиб, қизгин баҳс мунозараларга сабаб бўлди. Шунингдек, А. Кубатиннинг (ЎЗР ФА Шарқшунослик институти) - “Заметки к некоторым сюжетным параллелям на монетах Западно-Тюркского каганата и сасанидских геммах” номли маърузасида Фарбий Турк ҳоқонлиги томонидан Чоч воҳасида зарб этилган мис тангалар ва Сосонийлар муҳрлари иконографиясида ўхшашлик таҳлил қилиниб, улардан 5 та типиди “шоҳона сахналар”нинг ўхшашлиги кузатилиши ва бу ҳолат ўша давр дунё халқлари тасвирий санъатида йирик салтанатлар учун анъанавий бўлган “империад сюжетлар” кўчиши билан изоҳланиши борасидаги янги фикрлари иштирокчилар орасида алоҳида қизиқиш ўйғотди. Б.Ғ. Қурбоновнинг (ЎЗР ФА Археология институти) - “Металлические изделия в коллекциях Бухарского государственного музея-заповедника (IX–XIX вв.)” номли маърузаси Бухоро Давлат музей-кўриқхонаси фондларида сақланаётган, IX–XIX асрларга оид бой металл буюмлар жамланмаси тадқиқотига бағишланди. Тадқиқотчи материаллар асосида турли хилдаги металл буюмларнинг ривожланиш босқичлари, уларнинг шакли ва безатиш услубидаги ўзгаришлар, ишлаб чиқариш жараёнини қайта тиклаш, уларнинг Бухоро ижтимоий ҳаётида тутган ўрни каби масалаларга ўзининг янги фикрларини билдириб ўтди. Тарих ва манбашунослик шўъбасида Ф.Э. Тошбоевнинг (Жиззах ДПИ) - “Кўчманчи чорвадор халқлар ижтимоий сиёсий тузумининг ўзбек давлатчилиги анъаналаридаги ўрни” мавзуидаги давлатчилик борасидаги, этнография шўъбасида эса М. Утебаевнинг (ЎЗР ФА тарих, археология ва этнография институтининг Қорақалпоғистон бўлими) - “Некоторые сведения об этикете гостеприимства и застолья в быту каракалпаков” мавзуидаги маърузаларида Қорақалпоғистон туманларидан йиғилган этнографик манбалар асосида маҳаллий халқларнинг меҳмондорчилик билан боғлиқ урф одатлари ҳақида янги маълумотлари анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Илмий анжуман якунида сўзга чиққан устоз ва ёш олимлар анжуманнинг жуда ҳам қизиқарли ўтганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Хусусан, сўзга чиққан Б. Саъдуллаев (Хоразм Маъмун академияси), С.Т. Мирсоатова (Фарғона ДУ), Ф. Тошбоев (Жиззах ДПИ), С.Т. Саипов (Қорақалпоқ ДУ), А. Яркулов (СамДУ) конференция кўтаринки руҳда ўтганлиги таъкидлаб, ёшлар номидан конференцияни ўтказишда катта ёрдам берган ва унинг материалларини тўплам сифатида “Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида” номи билан чоп этиб, уни конференция иштирокчиларига тақдим этган институт раҳбариятига ўз миннадорчиликларини билдирди.

Шу тариқа икки кун давом этган конференция ўз ишини тугатиб, унинг хулоса қисмида конференцияни, эндиликда анъанавий равишда ҳар йили, нафақат республика, балки халқаро миқёсда ҳам ўтказилиши лозимлиги келишиб олинди.

**К.А. Раҳимов,  
М.М. Саидов**



**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА 2010 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛГАН  
АРХЕОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТЛАРИ НАТИЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН  
ХИСОБОТ СЕССИЯСИ”**

**йиғилиши ҳақида Самарқанд, 31 март – 1 апрел 2011 йил**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қошидаги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Бош бошқармаси (Р. Мансуров) ва ЎзР ФА Археология институти Дала тадқиқотлари қўмитаси расмий маълумотларига кўра, ўтган 2010 йилда республикада худудидаги 30 та ёдгорликда археологик қазув, қидирув тадқиқотлари олиб бориш учун амалдаги қонунларга биноан “Рухсатнома” берилган. Шу муносабат билан, 2010 йил археологик дала мавсумига бағишланган анъанавий, йиллик ҳисобот сессияси жорий 2010 йилнинг 31 март – 1 апрел кунлари ЎзР ФА Я. Ғуломов номидаги Археология институтида бўлиб ўтди.

Йиллик ҳисобот сессиясининг ялпи мажлисини институт директори А.Э. Бердимуродов очди ва у ўз сўзида сессия қатнашчиларини қутлаб, ўтган 2010 йилги археологик тадқиқотлар ва уларнинг натижалари ҳақида қисқача маълумот берди.

Шундан сўнг, сўзга чиққан академик А.А. Асқаров ўзбек археология мактаби, унинг мустақиллик йилларида эришаётган муваффақиятлари, профессор М.Ж. Жўрақулов Олий ўқув юртларида археология фани ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлаш, талабаларнинг ўқув дала амалиётини ўташ масалалари бўйича фикр билдирдилар ва сессия ишига муваффақият тиладилар.

А. Анарбаев раислигида бошланган эрталабки мажлисда А. Асқаров Тошкент вилояти Оҳангарон туманида, Б. Турғунов Сурхандарёдаги Холчаён К. Шейко Дабил кўрғон ёдгорликларида, А. Бобоҳўжаев Ҳаким ат – Термизий ансамблида, М. Жўрақулов, Н. Холматов Самарқанд вилоятидаги Очилғор маконида ўтказилган археологик тадқиқотлар хусусида ҳисобот бердилар.

А. Асқаров раислигида ўткан кечки мажлисда отряд бошлиқларидан С. Баратов (Хоразм вилояти Мешекли, Уч ўчоқ ёдгорликлари), Г. Иванов (Фарғона вилояти Кува ёдгорлиги), М. Пардаев, И. Убайдуллаев, З. Холбоев, Ф. Тошбоев (Жиззах вилояти Қизлартепа, Жумаботтепа, Ёқубботтепа ёдгорликлари, Ғулбо мазоркўрғони), М. Исамиддиновларнинг (Самарқанд вилояти Булунғур, Жомбой, Пастдарғом туманларида қидирув) ҳисобот маърузалари тингланди ва ушбу ҳисоботлар бўйича қизгин савол-жавоблар, муҳокамалар ўтказилди.

Йиллик ҳисобот сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган бир қатор халқаро экспедициялар ҳисоботи М. Исамиддинов раислигида ўтказилган 1 апрел кунги кундузги мажлисда тингланди. Хусусан, А.Э. Бердимуродов Ўзбекистон-Япония халқаро экспедициясининг Добусия қалъасида, Ж. Мирзааҳмедов Ўзбекистон - Италия, Ўзбекистон-Франция, Ўзбекистон – Россия халқаро экспедицияларининг Бухоро вилоятидаги Вардонзе, Пойкенд, Уч кулоҳ ёдгорликларида, М. Ҳасанов Ўзбекистон – Франция-Суғд халқаро

экспедициясининг Қашқадарё вилоятидаги Сангиртепа ёдгорлигида олиб борган археологик қазув тадқиқотлари бўйича батафсил маълумот бердилар. Шунингдек, ушбу мажлисда А. Грицина, Ф. Тошбоевнинг Зомин отряди, М. Ҳасанов, С. Мустафакуловнинг Афросиёб отряди, С. Мустафакулов, У. Раҳмоновнинг Жарқўтон отряди ҳисоботлари ҳам тингланди.

Икки кун давом этган ҳисобот сессияси якуний хулосаларида республикада ўтказилаётган археологик тадқиқотларнинг кўлами, методологик усуллари, қазув ишларининг умумий сифати, топилмаларни қайд этиш, рўйхатга олиш, мутасадди ташкилотларга топшириш ва очилган объектларни дастлабки консервацияси ҳолати аввалги йилларга нисбатан яхши йўлга қўйилгани таъкидланди. Шунингдек, Фарғона вилояти Кува шаҳар ёдгорлигидан (Г. Иванов), Самарқанд вилоятидаги Очилғор ёдгорлигидан уни неолит даври жамоаларининг сиғиниш макони эканлигини тасдиқловчи артефактларни топилиши (Н. Холматов), Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманидан (Ғарбий Уструшона) биринчи марта 10 дон, илк ўрта асрларга оид (VII-VIII) оғадонлар мажмуасини қайд этилиши (М. Пардаев) 2010 йил археология мавсумининг ноёб топилмалари, илмий янгиликлари сифатида эътироф этилди.

**М. Пардаев**

## БИЗНИНГ ЮБИЛЯРЛАР

### НАШИ ЮБИЛЯРЫ

#### КАЗИМ АБДУЛЛАЕВ – УЧЕНЫЙ, АРХЕОЛОГ, ИСКУССТВОВЕД

В сентябре 2010 года в Институте археологии прошла международная конференция «Античная и раннесредневековая культура Узбекистана», посвященная 60-летию со дня рождения и 35-летию творческой деятельности крупного ученого, знатока археологии, древней культуры и искусства Узбекистана Казима Абдуллаева.

Археологическая деятельность Казима Абдуллаева началась в 1975 году, когда выпускник Горьковского государственного университета в день своего двадцатипятилетия впервые переступил порог Института археологии АН Узбекистана. Первый свой сезон он работал художником, далее, до 1979 года - лаборантом. Сезоны 1976, 1977, 1978 гг. он провел в Бухарской области, составляя свод археологических памятников совместно с Пулатом Валиевым, которого считает своим первым учителем полевой археологии.

В 1979 году он был направлен на стажировку в Институт археологии в Москве, по окончании которой поступил в аспирантуру в том же Институте. В 1986 году успешно защитил диссертацию на тему «Коропластика Бактрии-Тохаристана в античную и раннесредневековую эпохи» (научный руководитель Г. Кошеленко, оппонент Б. Ставиский).

Еще в студенческие годы он изучил английский и итальянский языки; при поступлении в аспирантуру, легко сдав кандидатский минимум по английскому, он начал изучать французский, так как на этом языке писали видные исследователи Средней Азии и была накоплена богатая археологическая литература. За годы аспирантуры Казим Абдуллаев овладел французским на хорошем уровне, и продолжал совершенствовать его, чему способствовали стажировки в Париже и успешно, с оценкой «très bien» законченные курсы в L'Étoile Centre de Langue et Vie Françaises.

Основной сферой его полевой работы в эти и последующие годы стала Бактрия; он участвовал в раскопках в Старом Термезе, на Зартепа, Хайтабадтепа, Мирзакултепа, Зартепа, на Куёвкургане, Паёнкурган, Джандавлятепа и ряде других античных и раннесредневековых памятников.

Казим Абдуллаев участвовал также в зарубежных раскопках – во Франции, на городище Бибракт галло-римского времени, памятнике эллинистического времени Дура-Европос в Сирии, на городище Апамея на берегу Евфрата в Турции, ныне уже затопленном при строительстве плотины.

В сезоне 2011 года он участвовал в раскопках согдийского памятника эллинистического времени Кой-тепа в Пастдаргомском районе Самаркандской области совместно с итальянскими коллегами.

Казим Абдуллаев – член престижного Institute for Advanced Study в Принстоне (США) 2004-2005 и 2007-2008 гг., является ассоциированным членом Centre National des Recherches Scientifique (Франция), а с 2010 г. – Senior Fellow of the Institute for the Study of the Ancient World Нью-Йоркского университета. Он многократно

приглашался в качестве *visiting professor* для чтения лекций и проведения семинаров в университеты и институты Европы и США.

Круг его научных интересов расширяется с годами: политическая история древней Бактрии, искусство, вопросы религии и идеологии древних народов, населяющих Среднюю Азию, храмовая архитектура, нумизматика и многое другое. Его научный подход отличается глубиной и обстоятельностью анализа, оригинальностью мышления и изложения. Ему часто удается решить загадки, над которыми ломали головы многие исследователи. Вот один из примеров: встречающиеся иногда городские стены при отсутствии городской застройки вызывали недоумение археологов, копавших такие памятники. Казим Абдуллаев объяснил этот феномен существованием «кочевых городов», состоявших из юрт и кибиток, разбитых в кольце городской стены – сезонные и стационарные города кочевников, позволявшие вести частично оседлый образ жизни при сохранении мобильности. Его доказательства обычно безупречны и неопровержимы. Благодаря Казиму Абдуллаеву прояснены многие аспекты жизни древнего общества и восполнена не одна историческая лакуна в изучении материальной и духовной культуры Узбекистана.

Зарубежные исследователи, известные европейские и американские ученые, живо откликнулись на юбилей друга и коллеги. Некоторые из теплых отзывов, полных уважения и признания, мне хочется привести.

***Пьерфранческо Калльери, профессор Болонского университета:***

*«... Я вспоминаю нашу первую встречу в Италии, и как сильно я был удивлен Вашими глубокими познаниями итальянской культуры, а также был поражен тем, как Вы цитировали на оригинальном итальянском языке великого поэта Данте...»*

***Дэвид Ф. Граф, Профессор Античной Истории. Университет Майами, Флорида:***

*«... Он джентльмен и ученый... Его великолепный вклад в историю Узбекистана высветил важную роль региона в более широком международном мире древности и явился богатым свидетельством его посвящения своей Родине»<sup>1</sup>.*

***Тельман Касымович Ходжайов, главный научный сотрудник Института этнологии и этнографии Российской Академии наук:***

*«... то, что именно ты занимаешься этим аспектом науки, представляется особым знаком, указывающим на твою особую роль в этой области науки. Ты понял миссию человека как художника, как создателя великих произведений искусства, как творца и двигателя древних и современных цивилизаций».*

***Франц Грене, директор по научной работе в CNRS, корреспондент Академии письменности и Изящной словесности:***

*«... С наших первых контактов, Поль Бернар и я были ошеломлены широтой исторических и археологических знаний Казима, а также количеством европейских языков, которыми он владел: французским, английским, итальянским, немецким (возможно, я что-то упустил!). Помимо его особенных дарований, его исследования шли по нетипичному научному пути: учась в Горьковском университете (который сейчас вновь стал университетом Нижнего Новгорода) свою первую университетскую работу он посвятил творчеству Джотто Флорентийского. Это первоначальное поле деятельности позволило ему сохранить особый взгляд на ху-*

<sup>1</sup>Здесь и далее переводы посланий с английского и французского на русский языки выполнены Ю. Раевской



дожественные объекты, который позволяет ему очень часто увидеть то, чего другие до него не могли увидеть. Яркое и новое подтверждение этому он дал два года тому назад в ходе его сообщения об иконографии Геракла в Средней Азии, сделанное им по приглашению Поля Бернара в Академии Письменностей и Изящной словесности. (...) Научные качества Казима принесли ему заслуженную международную известность, которая отражается и на Институте археологии, в котором он работает. Он неоднократно посещал Париж и многократно представлял свою научную деятельность в виде семинаров в *Ecole Normale Supérieure*. Двукратно он осуществлял свои исследования в США в Принстонском Институте Перспективных исследований (*Institute for Advanced Study*), что является честью, которой многие западные исследователи могут позавидовать».

**Поль Бернар, Академик Института Франции и Вероника Шильц, корреспондент Института Франции:**

«*Nel mezzo del camin...*» (В середине дороги ...), ты можешь быть гордым за пройденный путь: ничто, касающееся античной Центральной Азии, не прошло мимо твоей мудрости. Помимо того, что ты всегда был очень активным в поле, но ты также сумел приобрести замечательные знания античности вообще и особенно греческой античности. Говоря кратко, ты обладаешь настоящей классической культурой, что стало в наши дни редкостью.

Ты интересовался золотом Бактрии, но также более скромными терракотовыми статуэтками, образом Геракла в Центральной Азии и дионисийской иконографией, эллинистическими культами, но также буддизмом и местными божествами, не пренебрегая разнообразием царских образов и другими сюжетами.

Ты сумел поделиться с людьми своими знаниями и показать все богатство Узбекистана посредством многочисленных конференций и сообщений в различных странах и семинаров, подобных тем, которые ты проводил в Париже в *Ecole normale supérieure*.

Качество твоих работ полностью признано нашей Академией надписей и Изящной словесности, которая удостоила тебя премии Хираямы (...)

Казим Абдуллаев не остановится на достигнутом - это не в его характере. Он полон творческих сил и его научная деятельность находится на самом пике.

Коллектив Института археологии АН РУз и редакция журнала «Археология Узбекистана» желает ему крепкого здоровья, творческих успехов и новых открытий в археологии и истории нашей Республики.

**МУНДАРИЖА**

**МАҚОЛАЛАР**

|   |     |
|---|-----|
| <b>М.Ж. Жўрақулов</b><br>Самарқанд воҳасининг ибтидоий маданият тарихи саҳифаси   | 5   |
| <b>В.Д. Рузанов</b><br>Палеометалл даврида Ўзбекистонда қабилалар миграцияси (1 қисм)   | 25  |
| <b>К. Абдуллаев</b><br>Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги давлатлар ва уларнинг қадимги шарқ цивилизациялари билан маданий алоқалари   | 40  |
| <b>А.Э. Бердимуратов, А.А. Мусакаева</b><br>Самарқанд вилоятидан топилган Канишканинг олтин тангаси   | 47  |
| <b>М.М. Мамбетуллаев</b><br>Катта Айбуйирқала ибодатхона мажмуаси тадқиқоти   | 52  |
| <b>Ш.Т. Адылов</b><br>Нумижкат, Навакмитан, Байқанд, Ромитан (Ғарбий Суғднинг қадимий пойтахтлари тарихидан)  | 62  |
| <b>Г.П. Иванов</b><br>Риштон шаҳри тарихи бўйича янги маълумотлар   | 82  |
| <b>М.Х. Пардаев, Ж.И. Ғофуров</b><br>Ғарбий Уструшонада зардўштий қавмлар излари  | 85  |
| <b>С.С. Суюнов</b><br>Қашқадарё водийсининг сув манбалари ҳақида қисқача маълумот   | 89  |
| <b>Ж.К. Мирзаахмедов, М.Н. Султонова</b><br>Бухоро воҳасининг илк ва ривожланган ўрта асрлар даврига оид материаллари мажмуаси  | 95  |
| <b>А.А. Раймқулов, Г.Х. Сиддикова</b><br>Кеш-Шахрисабз ҳудудида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши хусусида   | 99  |
| <b>А.А. Анарбаев, З.А. Қарасва</b><br>Соҳибқирон Амир Темур даврида шаҳарсозлик маданияти   | 108 |
| <b>М.А. Реутова</b><br>Лёс асос устидаги деворий суратларни бирлаштиришнинг янги усуллари ҳақида  | 114 |
| <b>ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК</b>  |     |
| <b>С.И. Мустафоқулов, Т.К. Ходжайов, А.В. Громов</b><br>Эски Термиз аҳолисининг антик ва ўрта асрлар давридаги палеодемографиясига доир   | 120 |
| <b>ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ</b>  |     |
| <b>А.М. Омонов</b><br>Обираҳмат ғори индустриясида қўлланилган леваллуа техникасининг икки хил талқини  | 132 |
| <b>А. Яркулов</b><br>Нахшабнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши тарихидан  | 135 |
| <b>ТАНҚИД ВА ТАҲЛИЛ</b>   |     |
| <b>М.Х. Пардаев</b><br>А. Отаҳўжаев. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари  | 142 |
| <b>АХБОРОТ</b>  |     |
| <b>К.А. Раҳимов, М. Саидов</b><br>“Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида” мавзусидаги ёш олимлар илмий амалий конференцияси ҳақида  | 145 |
| <b>М.Х. Пардаев</b><br>«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2010 йилда ўтказилган археология тадқиқотлари натижаларига бағишланган ҳисобот сессияси» йиғилиши ҳақида Самарқанд, 31 март - 1 апрел 2011 йил | 147 |
| <b>БИЗНИНГ ЮБИЛЯРЛАР</b>  |     |
| Козим Абдуллаев – олим, археолог, санъатшунос   | 149 |

## СОДЕРЖАНИЕ

## ПУБЛИКАЦИИ

|  |     |
|--|-----|
| <b>М.Д. Джуракулов</b><br>Страницы истории первобытной культуры Самаркандского оазиса  | 5   |
| <b>В.Д. Рузанов</b><br>Миграции племен в Узбекистане в эпоху палеометалла (часть 1)  | 25  |
| <b>К. Абдуллаев</b><br>Древнейшие государства на территории Узбекистана и их культурные связи с древневосточными цивилизациями | 40  |
| <b>А.Э. Бердимуратов, А.А. Мусакаева</b><br>Золотая монета Канишки из Самаркандской области                                    | 47  |
| <b>М.М. Мамбетуллаев</b><br>Исследования храмового комплекса Большая Айбуйиркала   | 52  |
| <b>Ш.Т. Адьлов</b><br>Нумиджат, Навакмитан, Байканд, Рамитан (из истории древних столиц Западного Согда)                       | 62  |
| <b>Г.П. Иванов</b><br>Новые данные по истории города Риштан  | 82  |
| <b>М.Х. Пардаев, Дж.И. Гафуров</b><br>Следы зороастрийских общин в Западной Уструшане  | 85  |
| <b>С.С. Суюнов</b><br>Краткие сведения о водных источниках Кашкадарьинской области   | 89  |
| <b>Дж.К. Мирзаахмедов, М.Н. Султанова</b><br>Комплекс материалов рубежа раннего и развитого средневековья из Бухарского оазиса | 95  |
| <b>А.А. Раимкулов, Г.Х. Сиддикова</b><br>О формировании городской культуры на территории Кеша-Шахрисабза                       | 99  |
| <b>А.А. Анарбаев, З.А. Карасва</b><br>Градостроительная культура в эпоху сахибкирана Амира Темура                              | 108 |
| <b>М.А. Реутова</b><br>О новых способах монтировки монументальной живописи на лессовой основе                                  | 114 |

## МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

|  |     |
|--|-----|
| <b>С.И. Мустафакулов, Т.К. Ходжайов, А.В. Громов</b><br>К палеодемографии населения Старого Термеза в эпохи античности и средневековья | 120 |
|--|-----|

## ТРИБУНА МОЛОДОГО ИССЛЕДОВАТЕЛЯ

|   |     |
|---|-----|
| <b>А.М. Омонов</b><br>Двойкая интерпретация техники леваллуа в наборе индустрии грота Обирахмат | 132 |
| <b>А. Яркулов</b><br>Из истории археологического изучения Нахшаба                               | 135 |

## КРИТИКА И БИБЛИОГРАФИЯ

|  |     |
|--|-----|
| <b>М.Х. Пардаев</b><br>А. Атаходжаев. Тюрко-согдийские отношения в цивилизации Центральной Азии в эпоху раннегосредневековья | 142 |
|--|-----|

## СООБЩЕНИЯ

|   |     |
|---|-----|
| <b>К.А. Рахимов, М. Саидов</b><br>О научно практической конференции молодых ученых на тему «Актуальные проблемы истории Узбекистана в интерпретации молодых исследователей» | 145 |
| <b>М.Х. Пардаев</b><br>О годичной отчетной сессии посвященной результатам археологических работ проведенных на территории Республики Узбекистан в 2010 году                 | 147 |

## НАШИ ЮБИЛЯРЫ

|  |     |
|--|-----|
| Казим Абдуллаев – ученый, археолог, искусствовед | 149 |
|--|-----|

**CONTENTS**

---

**ARTICLES**

|   |     |
|---|-----|
| <b>M.D. Jurakulov</b><br>The Pages of History of Pre-historic Culture of Samarkand Oasis  | 5   |
| <b>V.D. Ruzanov</b><br>Migration of Tribes in Uzbekistan in Paleolithic Epoch (Part 1)  | 25  |
| <b>K. Abdullaev</b><br>The Ancient States on the territory of Uzbekistan and their cultural relations with Ancient East Civilizations | 40  |
| <b>A.E. Berdimradov, A.A. Musakaeva</b><br>The Golden Coin of Kanishka from Samarkand region  | 47  |
| <b>M.M. Mambetullaev</b><br>The Research of Temple complex of Aybuyrkala  | 52  |
| <b>Sh.T. Adylov</b><br>Numijkat, Navakmitan, Baykand, Ramitan (from the history of ancient capitals of Western Sogdia)                | 62  |
| <b>G.P. Ivanov</b><br>New Data on the History of Rishtan City   | 82  |
| <b>M.H. Pardaev, J.I. Gafurov</b><br>The Traces of Zoroastrian Societies in Western Ustrushana  | 85  |
| <b>S.S. Suyunov</b><br>The Brief information on the Water sources of Kashkadarya Region   | 89  |
| <b>J.K. Mirzaakhmedov, M.H. Sultanova</b><br>The Complex of materials of Early Medieval and Medieval Period from Bukhara Oasis        | 95  |
| <b>A.A. Raimkulov, G.H. Siddikova</b><br>On Formation of Urban Culture on the territory of Kesh-Shakhrisabz                           | 99  |
| <b>A.A. Anarbaev, Z.A. Karaeva</b><br>Urban building Culture in Epoch of sahibkiran Amir Temur  | 108 |
| <b>M.A. Reutova</b><br>On the new Methods of installation of monumental painting on the loess base                                    | 114 |

---

**INTERNATIONAL COOPERATION**

|   |     |
|---|-----|
| <b>S.I. Mustafakulov, T.K. Khodjajev, A.B. Gromov</b><br>To the Paleodemography of Old Termez Population in Ancient and Medieval Period | 120 |
|---|-----|

---

**TRIBUNE OF YOUNG RESEARCHER**

|   |     |
|---|-----|
| <b>A.M. Omonov</b><br>Double interpretation of the levalloi technique in the set of Obirakhmat Grote Industry | 132 |
| <b>A. Yarkulov</b><br>From the history of archaeological research of Nakhshab                                 | 135 |

---

**CRITICS AND BIBLIOGRAPHY**

|  |     |
|--|-----|
| <b>M.H. Pardaev</b><br>A. Atakhodjaev. Turk-Sogdian Relationship in Central Asian Civilization in Early Medieval Epoch | 142 |
|--|-----|

---

**MESSAGES**

|   |     |
|---|-----|
| <b>K.A. Rakhimov, M. Saidov</b><br>On the Scientific and Practical Conference of yang scholars on the topic "Actual Problems of History of Uzbekistan in the interpretations of Yang Researchers" | 145 |
| <b>M.H. Pardaev</b><br>Report of the annual meeting devoted to the archaeological investigations in Uzbekistan in the 2010 <sup>th</sup> year   | 147 |

---

**OUR JUBILEES**

|  |     |
|--|-----|
| Kazim Abdullaev – scholar, archaeologist, art historian, | 149 |
|--|-----|





Академия наук Республики Узбекистан

**№ 1 (2) - 2011**

Журнал основан в сентябре 2010 г.  
Выходит 3 номера в год

Учредитель: Институт археологии им Я. Гулямова  
Академии наук Республики Узбекистан

Адрес редакции: 140151, Самарканд, ул. В.Абдуллаева, 3  
Телефон: (366) 232-15-13; E-mail: uzarchae@yahoo.com, uzarchae@mail.ru

©Институт археологии им Я. Гулямова Академии наук Республики Узбекистан, 2011

ISSN 2181-032X

**Редакторы:**

Ж.К. Мирзаахмедов, М.Х. Пардаев

**Компьютерная верстка:**

Т.Х. Очилов

**Компьютерный набор:**

Ё. Рашидова

Журнал зарегистрирован Агентством по печати и информации  
Республики Узбекистан 30 сентября 2010 г.  
Регистрационный номер № 0592

Сдано в набор 07.04.2011. Подписано в печать 16.05.2011.  
Формат 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Гарнитура Times. Усл. печ. л. 12.  
Тираж 500 экз. Заказ 294.

Отпечатано в типографии Института археологии АН РУз.  
140151, Самарканд, ул. В. Абдуллаева, 3.  
Телефон: (366) 232-12-90

ISSN 2181-032X